



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

07 (113)-сон, 2006 йил 16 февраль

Мухаррир минбари



«ЎЗДЭУавто» янгиликлари

Жаҳондаги пешкадам автомобиль корхоналари тажрибасидан маълумки, ҳар бир автокорхона фақат маҳсулот ишлаб чиқарибгина қолмай, унинг сифатини ошириш, техник хавфсизлигини жаҳон бозори талабларига мослаштириш, таннархини тушириш ҳамда кўпроқ фойда кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. «ЎЗДЭУавто» компанияси жамоаси ҳам бу борада тинмай изланаётган. Хусусан, «Дамас-В100» автомобилни жаҳон бозорига олиб чиқиш мақсадида янгиликлар жорий этилди. Машина кузовининг олд қисми 265 мм. узайтирилди. Олди ва орқа эшикларга қўшимча панеллар ўрнатилди, салоннинг пастки қисмиги такомиллаштирилиб янги «Дамас-В150» русумли автомобиль ишлаб чиқариш линияси йўлга қўйилди. Бугунги кунда «ЎЗДЭУавто»да жаҳон андозалари даражасида кўркам, пишқ-пухта «Матиз», «Нексия», «Нексия-ДОНС», «Дамас», «Ласетти» автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Утган йили автомобилларнинг 53 миң 92 таси ташқи, 46 миң 127 таси ички бозорларда сотилган бўлса, жорий йилда 135000 автомобиль ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Аъзам ҚОДИРОВ олган суратлар.

Вазифалар белгилаб олинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.М.Тешабоев маъруза қилди.

Ўз мухбиримиз

— Давлатимиз раҳбарининг маърузасида эришилган муваффақиятлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар атрофида таҳлил этилиб, 2006 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янада жадаллаштиришга қаратилган вазифалар белгилаб берилди, — деди М.Тешабоев. — Улар асосан еттига йўналишдан иборат бўлиб, халқимиз турмуш даражасини ошириш, иқтисодий ривожлантириш, кичик ва хусусий бизнес субъектлари фаолиятини кучайтириш учун зарур бўлган барча имкониятларни ишга солиш орқали янги иш ўринларини барпо этиш каби ўта муҳим масалалардир. Фоғ ва мақсадларимизга мос ушбу йўналишларни амалиётга татбиқ этишда О'зЛиДеРнинг Олий Мажлисидаги фракцияси, барча бўлинлардаги ташкилотларимиз, партия фаоллари яқдил ҳаракат қилишлари, Ватанимиз келажиги йўлида бор куч ва имкониятларини ишга солишлари зарур.

Маърузачининг таъкидлашуига, партияннинг барча аъзолари, фаол-

лар ва хайрихоҳлар Президент маърузасида белгилаб берилган масалалар бўйича фидоийлик намуналарини кўрсатишлари лозим.

Йиғилишда маърузада белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия ва фракциянинг ҳаракат дастурига ўзгаришлар киритиш, тез кунда мамлакатимиздаги тадбиркор ва ишбилармонлар иштирокида О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишини ўтказишга келишиб олинди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ўтган йилда амалга оширган ишлари ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Маъмур масала юзасидан С. Рашидова ахборот берди. 2005 йил давомида фуқароларни қабул қилиш, жойларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилишнинг бориши тўғрисида ўтказилган мониторинг, давлат органлари, айниқса, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик, аҳоли ҳуқуқий маданияти ҳамда саводхончилигини ошириш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳисоботи мазмунини ташкил этди.

Йиғилишда фракция аъзоси Ф.Солиев депутатларни «Телерадиоэшитириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан ҳам таништирди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, ҳудудий партия кенгашларининг ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолияти ҳам кўриб чиқилди. Партиянинг 2005 йилдаги «Ҳаракат дастури»га кўра ёшлар билан жойларда амалга оширилган ишларнинг йиллик таҳлили маълумот учун қабул қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Узоқ ва яқин хорижда

Ҳиндистон



ИККИ СОАТДА ДЕХЛИДАН АГРАГА

Кеча Янги Деҳлидан Аграга қатнайдиган сўнгги моделдаги, соатига 150 км.гача юрадиган экспресс поезд йўлга чиқди, деб хабар беради темир йўл транспорт вазирлиги. Янги поезд йўловчиларни Ҳиндистон пойтахтидан ўзининг меъморси билан бутун оламга машҳур Аграга бор-йўғи икки соатда элтиб қўяди.

Ҳиндистоннинг ўзида курилган бу экспресс мавжуд немис модели асосида ишлаб чиқилган ва кўп қулайликларга эга. Унинг тормоз тизими аввалги электровозларникига нисбатан пухтароқ, шунингдек, махсус буфер тўсиғи ҳам ўрнатилган бўлиб, у фожиа оқибатларини камайтиришга қодирдир. Яна бир хусусияти шундаки, экспрессда доимий равишда буфет ишлаб туради. Ҳиндистон поездларида бундай ҳолатлар камдан-кам учрайди. Деҳли-Агра тезузор поездди ҳар кунни катнайди. Фақат жума кунни мустасно. Чунки жумадда Тожмаҳал зиёратчилар учун ёпиб қўйилади.

Япония



КОМПАНИЯЛАР ИТТИФОҚИ

Финляндиянинг Nokia компанияси ва Япониянинг Sanуо концерни CDMA андозасида ишлайдиган уяли телефонлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этажаклари ҳақида хабар тарқатишди. Экспертларнинг фикрига кўра, янги қўшма корхона аввало Америка бозорига мўлжалланмоқда. Чунки у ерда CDMA андозаси ниҳоятда кенг тарқалган.

Sanуо билан ҳамкорлик ҳозирги пайтда Европанинг мобил телефонлар бозорига етакчилик қилаётган Nokia компаниясига бошқа бозорларда ҳам ўз позициясини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ўз навбатида Sanуо анча заифлашиб қолган молиявий аҳолини яхшилаб олиши мумкин. Утган йили Япония концерни ўз ходимларининг 15 фоизини ишдан бўшатишини маълум қилган, шу йўл билан қарзларини тахминан тенг баробар камайитириш ва фойда олишни кўпайтиришни мўлжаллаган эди.

Хитой



ЭГИЗАКЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Кейинги бир неча йил мобайнида эгизак ёки бир йўла учта чакалоқ туғилаётган оилалар сонини кўпайиб кетди, деб хабар тарқатди Хитой газеталари.

Оммавий ахборот воситаларининг фикрига кўра, бундай музжизани соддагина қилиб изохлаш мумкин. Хитой аёллари биттадан ортқ фарзанд туғишни таъжиблайдиган қонунни четлаб ўтиш учун махсус дори қабул қилмоқдалар.

Кўпчилик аёллар бепуштлиқни даволаш учун доридан фойдалансалар, баъзилар эгизак ёки бир йўла учта бола туғиш учун уни истемол қилишади. Газеталардан бирида ёзилишича, 2005 йилда Нанкин вилоятидаги битта касалхонада 90 маротаба эгизак туғилган. Бундан аввал эгизаклар туғилиши йилига 20 тадан ошмасди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 14 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, боҳжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:

1 Австралия доллари 880,91
1 Англия фунт стерлинги 2083,40
1 Дания кронаси 190,58
1 БАА дирҳами 325,48
1 АҚШ доллари 1195,43

1 Миср фунти 208,77
1 Исландия кронаси 18,76
1 Канада доллари 1036,35
1 Хитой юани 148,57
1 Малайзия ринггити 321,09

1 Польша злотийси 375,99
1 СДР 1718,35
1 Туркия лираси 898,82
1 Швейцария франки 914,50
1 ЕВРО 1421,96

10 Жанубий Корея вонини 12,23
10 Япония иенаси 101,44
1 Россия рубли 42,33
1 Украина гривнаси 236,72

Ижобий қараш ва баҳолар кучаймоқда

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 2005 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши аҳоли томонидан қандай баҳоланаётгани, шунингдек, республикамизнинг асосий сиёсий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий институтларига одамларимизнинг муносабатини аниқлаш мақсадида ижтимоий тадқиқот ўтказди. Сўровда юртимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қиладиган фуқаролар, шаҳар ва қишлоқ аҳли, эрактлар ва хотин-қизлар, маълумоти, миллати, ижтимоий аҳоли, ёши турлича бўлган кишилар иштирок этди.

Шуни айтиш керакки, 1998-2005 йиллардаги сўровларнинг қийёсий натижалари аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини ижобий баҳолаш ҳолатлари барқарор кучайиб бораётганидан дарак беради. Масалан, 1998 йилда Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳолини сўровда қатнашганларнинг 81,6 фоизи ижобий баҳолаган бўлса, 2005 йилда эса бу кўрсаткич 86,7 фоизга етди. Бунда уларнинг аксарияти ислохотлар бир маромда, изчил амалга оширилмоқда, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият барқарорлиги билан ажралиб туради, деб ҳисоблайди.

дент сиймосида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, Ватанамиз мустақиллигини янада мустақамлашнинг асосий кафолатини кўради, жамият ҳаётининг барча жабҳалари ни ислох этиш ва модернизаця қилиш борасидаги ишларнинг муваффақиятига тўлиқ ишонади.

уҳун қулай иқтисодий ҳамда ҳуқуқий шароит шаклланимоқда, деб ҳисоблайди. Сўровда қатнашганларнинг аксарияти томонидан Ўзбекистонда иқтисодиёт ҳусусий тармогининг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилганга билдирилган ишонч бунга асос бўлиб хизмат қилади.

Фуқароларнинг фикрича, заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг сақлаб келинаётгани Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги энг катта ютуқларидан биридир. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётгани, «шок терапияси» моделидан воз кечиш ва миллий ҳамда демографик ҳусусиятларни ҳисобга олган ҳолда аниқ йўналтирилган ижтимоий сиёсат юритилаётгани ҳам ижобий баҳолашнинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда. Фуқаролар давлат сиёсати халқ манфаатида жавоб беради, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳаларнинг ривожлантириш учун самарали чоралар кўрилмоқда, деб ҳисоблайди.

Умуман, ўтказилган тадқиқот маълумотлари шунни кўрсатадики, 2005 йилда Ўзбекистон аҳоли учун баракали йил бўлди ва бу жамият аҳолининг барқарорлигидан дарак беради.

Юртдошларимизнинг фикрича, 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ҳомийлик ҳаракатини кучайтириш ва бундай ёрдамнинг аҳамияти оширилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сўровда иштирок этганларнинг 84,7 фоизи эҳтиёжманд оилалар бундай моддий ёрдамин хозирча асосан давлатдан олмоқда, деб ҳисоблайди.

Муҳим масалалар муҳокама қилинди

Ўзбекистон шахмат федерацияси ташаббусига кўра Тошкентда 2006 йил август ойининг иккинчи ярмида дунёнинг етакчи шахматчилари иштирокида Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган халқаро опен-турнир ўтказишга қарор қилинди.

Тошкентда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари - Афғонистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон шахмат федерациялари президентлари ва бош қотибларининг Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) вице-президенти З.Азмайпарашвили (Грузия) ва мазкур ташкилот бош қотиби И.Леонг (Сингапур) билан учрашуви бўлиб ўтди.

Муносабат

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, унинг қонуний ҳимоясини таъминлаш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақомини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, ўз самарасини бераётир.

Эркин иқтисодиёт — фаровон келажак пойдевори



Тўрабек НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Айни кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 76 фоизи, sanoat маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиги нодавлат сектори улушига тўғри келмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида мамнуият билан тилга олинган ушбу рақамлар ҳар биримизда гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиши табиий.

ўрин эгаллашни фақат орзу қилардик, холос. Бугун эса айти соҳадаги ислохотлар пойдевори нақадар мустаҳкам эканлигига барчамиз гувоҳимиз. Мамлакатимиз раҳбари ўз сўзида эришилган муваффақиятлар билан бирга ижтимоий-иқтисодий тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммоларга ҳам тўхтадилар. Бу эса, ҳар биримизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. «Барчамиз бир фикрни тушуниб олишимиз керак: кутилаётган иқтисодий ўсиш бизнинг бюрократик тўсиқларни, бизнес юритишда хавф етказайтган барча сабабларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш борасидаги ишларимиз билан боғлиқ».

Матбуот анжумани

Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида мазкур давлат элчиси жаноб Мўхаммад Фатхалий Эрон Ислом инқилобининг 27 йиллиги муносабати билан матбуот анжумани ўтказди. Унда юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Манфаатли алоқалар ривожланади

Бугунги кунда дунёда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий воқеалар, ўзгаришлар, Эроннинг халқаро ўрни ҳақида сўз юритган жаноб Мўхаммад Фатхалий журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Эрон ва Ўзбекистон муносабатларига алоҳида тўхтади.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётни либераллаштириш гоёси бугун тўла-тўқис рўбга чиқайтганини ҳаммамиз кўриб, ҳис этиб туришимиз. Бу, албатта, танланган йўлимизнинг ойдин ва умидбахш эканлигидан далолатдир.

Қаҳрамон Қўлдошев

«Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Қўллаб-қувватлаш ва халқаро масалаларда қарашларимиз ўхшашдир. Қолаверса, икки давлат ҳам Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — ЭКОГА аъзодир», — деди элчи.



Бухоро. O'zLiDePнинг Бухоро вилояти кенгаши томонидан «Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш ва тадбиркорликни ривожлантиришда жойлардаги партия депутатлик гуруҳларининг маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Сўзга чиққанлар талаба-ёшларга партиянинг мақсад ва вазифалари, хотин-қизларнинг жамият ва давлат курилишидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ҳар хил экстремистик оқимларга кириб кетишларининг олдини олиш ҳамда маънавий дунёсини бойитиш юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Сирдарё

Гулистон шахридаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Ўзбекистон — Ватанамиз» шиори остида форум бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ҳамкорлигида «Ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишда партия олдида турган вазифалар» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

ТАДҚИКОТ, ТАШАББУС, ШАҲМАТ, ДАВЛАТ, ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР

XXI_LASR@yahoo.com

Адлия вазирлигининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи **Давлатназар МАТРАСУЛОВ:**

Хато қилишга ҳаққимиз йўқ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2005 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2006 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР Йўналишларига бағишланган мажлисида яна бир қарра асосий эътибор тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига ноқонуний арабашувларни чеклаш масалаларига қаратилгани бежиз эмас


2005 йил ҳақиқатан ҳам тадбиркорлар йили бўлди. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатда бозор иқтисодларини чуқурлаштириш, иқтисодий янада эркинлаштириш юзасидан қабул қилинган қатор қонунлар, Президент фармонлари ва қарорларининг амалиётга татбиқ этилиши туфайли ўтган йилда салмоқли натижалар кўлга киритилди.

Ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхатиб қўйишга оид аризалар 584 тани ташкил этмоқда. Хўш, бундан қандай хулосалар чиқариш мумкин? Айтиш мумкинки, бундай ҳатоларнинг асл сабабларидан бири — назорат органлари идораларида фаолият юритаётган ҳуқуқшунос мутахассисларнинг ўз устида ишламаётганлигидир. Оқибатда судларга қонунга зид даъ-

бўлмоқдалар. Утган йил давомида 178 та шаҳар ва туманда тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонун, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижроси ўрганилганида, 191 миң 267 ҳолатда қонун талаби бузилганлиги аниқланди.

Масалан, биргина тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш жараёнида 2 миң 794 та ҳолатда қонунга риоя этилмаган. Шундан 1354 таси эки 48 фоизи Фарғона вилоятида рўй бергани, айниқса, аянчидир.

2005 йил мобайнида адлия идоралари мутахассислари томонидан тадбиркорлар, хорижий инвесторлар манфаатларини кўзлаб ҳамда шаартно-



мавий муносабатлардаги низолар бўйича судларга жами 63,5 млрд. сўм ва 6 млн. АҚШ доллари миқдоридеги 20195 та даъво аризаси киритилди ва 18898 та даъво қаноатландирилди. 7 млрд. сўмлик ва 233,5 миң АҚШ доллари ҳажмидаги 929 та даъво бўйича айбдор мансабдор шахслар судга ўз қилмишларига иқдор бўлиб, ноқонуний қарорларни бекор қилиши ва ихтиёрий равишда ўзлари тадбиркорга етказган зарарларни қоплашди.

Турли рухсатномалар берилди, лицензия мuddатларини белгилашда мuddатларни кўрсатишга мажбур қилиш, тадбиркор тақдим эта олиши мураккаб бўлган ортиқча маълумот ва турли ахборотлар талаб қилиш, муражатларни белгилаган мuddатларда кўриб чиқмаслик талай вилоятларда оддий ҳолга айлиб қолган.

Масалан, Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекциясининг тақдимномасига асосан, Жиззах шаҳар ҳокимининг қарорлари билан "Эски шаҳар" буюм бозорида юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган 27 та якка тартибдаги тадбиркорнинг чакана савдонини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномалари, шунингдек, шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган 76 та юридик шахснинг улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалари қонунга зид равишда бекор қилинган.

Аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномадан сўнг, Жиззах шаҳар ҳокимлиги савдо департаменти бош мутахассиси Н. Анарбаев эгалаб турган лавозимдан бўшатилди.

Адлия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари жойларда йўл қўйилаётган қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш учун кескин чоралар қўллашга мажбур бўлаётган. Масалан, ўтган йил мобайнида тегишли идораларга киритилган тақдимномаларга асосан 3569 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

ка тортилди, уларнинг 349 таси эгалаб турган лавозимдан четлатилди, давлат бошқаруви идораларининг 1921 та ноқонуний қарорлари бекор қилиниб, 5 млрд. сўм ва 407 миң 600 АҚШ доллари миқдоридеги маблағ эгаларига қайтарилди. 285 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка, 17 нафари эса жиноий жавобгарликка тортилди.

Юқоридеги эътибор қарорлардан кўриниб турибдики, жойлардаги кўпбал назорат органларининг раҳбарлари зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилишлари.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиллик мажлисида Юрбошимиз маъмурий ислохотларга тўхталиб, жумладан шундай деди: "Маъмурий ислохотларнинг натижалари, аввалмабор, бошқарув тузилмаларининг маъно-мазмунини ва мақсадларининг ўзгариши, уларнинг бошқарув назорат ваколатларининг кескин қисқартирилиши, керак бўлса, барҳам топиши, шунингдек, ҳўжалиқ субъектларининг ишига ноқонуний аралашува, унинг фаолиятини чеклашга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик билан узвий боғлиқ.

Буни барча бўғиндаги, айниқса, марказда ва вилоятларда лавозимда ўтирган каттакичи раҳбарлар аниқ тушуниб олиши ва ҳаётга қатъий татбиқ этиши лозим".

Ушбу курсатмадан барча бирдай ҳулоса чиқариб олиши шарт. Йўл қўйилаётган салбий ҳолатларни "ўтиш даври мураккабликлари" дея баҳолашга бугун ҳеч бир асос йўқ. Беадад шўқри, ана шу анчайин қийин жараёни муваффақиятга олиб босиб ўтдик. Бозор иқтисодиётига асосланган эркин фаолият юритиш бўйича муайян малака ва тажриба орттиридик.

Энди юқоридеги каби ҳа-толарга йўл қўйишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси телевидение ва матбуот орқали эълон қилиниши биланоқ Бухоро вилояти шаҳар ва туманлари, кўргон қишлоқларида янгича бир руҳий кўтаринкилик кузатилди.

Ўз кучимизга таяниб, эл-юртимизни суяймиз

■ **Эшмурод БОБОМУРОДОВ,**
"XXI asr" мухбири

— Юртбошимиз Ислон ака Каримов ҳамisha тадбиркорнинг бош ғамҳўри, пўлат қалқони ва падардай меҳрибон бўлиб келмоқдалар, — дейди Ватанимизнинг Туркманистон билан чегарадош тумани — Олтоғдаги "Нарзи Ойим" фермер хўжалиғи раҳбари Матлуба Ҳамроева.

— Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузада мана шу ҳақиқат янада яққолроқ намоён бўлди. Ушбу сатрларга бир эътибор беринг-а: "Иқтисодиётимиздаги сифат ўзгаришлари, бозор ислохотлари йўлидан илгари бориш ҳақида гапирганда яна бир бор таъкидламоқчиман: биз ислохотларни шўнчаки ислохот учун амалга оширмаймиз. Ислохотлар қандай самара бераётгани, улар одамларнинг ижтимоий аҳволига қандай таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга..." Ёки ўрта синф ҳақида гап кетганда "Биринчи навбатда бу — ўз кучи ва имкониятига таяниб-суяниб ашайдиган, ўзини, оиласини боқиб турувчи ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдор-тадбиркорлардир", — дейилган. Ахир, бу — бутун мамлакатимиздаги миң-миңлаб тадбиркорлар қатори шахсан менга ҳам тегишли фикр эмасми.

Маърузанинг тўб моҳият-мазмунини мендай оддий фермер-ишбилармонни нўхоятда тўлқинлантириб юборди.

Асосий экин майдонимиз — 52 гектар. "Алтай"дан то "Кир-1,5"гача, жами 6 та трактор ва юк машиналаримиз бор. Сув ва ўғит даламиз бошигача етказиб берилапти. Утган йили еринг 29 гектаридан пахта етиштириб, давлатга 100 тонна юқори навли хом ашё сотдик. 20 гектар буғдойзордан 71 тонна сара дон кўтардик. Давлатга 32 тонна ўрнига 36 тонна галла топширдик. 35 тонна буғдой омборда қолди. Уни хўжалиғимиз аъзоларига бўлиб бердик. 70 сотих майдонда анорзоримиз бор. Ундан ҳар йили ўртача 1 млн. сўмлик фойда кўраямиз.

Божхона орқали чегарадан ўтиб, дунёда ягона ва бекиёс диёримизга қадам қўйган ҳар бир йўловчининг кўзлари, албатта, мана бу широда тўшади: "Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакатидир!" Шунда, ҳеч шўбҳасиз, йўловчи-дўст эки элга қайтаётган юртдошимиз қалбида ўзгача бир ҳавас, фахри-ифтихор уйғонади. Фермер хўжалиғимнинг 22 нафар аъзоси қалбида эса шунинг баробарида чуқур масъулият ҳисси ҳам жўш уради. Чўнки, фермер хўжалиғимиз ҳудди шу шир қўзга аққол ташлабни турган йўл ёқасида жойлашган. Ҳа, биз — "нарзи ойим"чилар ўша битмас-туғанмас имкониятларнинг лоқал битта чашмаси "кўз"ини очишга бурчилишми. Чўнки кези келганда, меҳмонлар ушбу сарҳаддан биз — тадбиркорларнинг иш натижаларимизга қараб, нафақат туман ё вилоят, балки бутун мамлакат фермерларига баҳо беришлари мумкин.

Биз саккиз йилдан буён ана шундай масъулият ҳисси билан яшаёмиз. Умр йўлдошим муҳандис-механик Рустам Ҳамроев — фермер хўжалиғимизда иш юритувчи. Фарзандларим — Акрон (олий маълумотли, молия бўйича мутахассис), Икром (геолог), Собир (компьютерчи), Салим (агроном), Обид (механик), Нодира (ҳисобчи) — меннинг қайрилмас қанотларим. Чўнки улар аслида турли идораларда ишласалар-да, фермер хўжалиғимизга ҳам кўнғиллари, ҳам фаолиятларининг бир учини билан боғланганлар.

Асосий экин майдонимиз — 52 гектар. "Алтай"дан то "Кир-1,5"гача, жами 6 та трактор ва юк машиналаримиз бор. Сув ва ўғит даламиз бошигача етказиб берилапти. Утган йили еринг 29 гектаридан пахта етиштириб, давлатга 100 тонна юқори навли хом ашё сотдик. 20 гектар буғдойзордан 71 тонна сара дон кўтардик. Давлатга 32 тонна ўрнига 36 тонна галла топширдик. 35 тонна буғдой омборда қолди. Уни хўжалиғимиз аъзоларига бўлиб бердик. 70 сотих майдонда анорзоримиз бор. Ундан ҳар йили ўртача 1 млн. сўмлик фойда кўраямиз. Ҳар йили 4,5-5 гектар майдонда шоли етиштирамиз. У бор-йўғи 105 кунда пишади. Октябр ойда ўриб олиниб, ўрнига буғдой экилади. 2005 йилда ҳудди шундай усулда 17 тонна шоли кўтарилди. Ундан 3,5 млн. сўм даромад қилдик.

Чорвачилик фермаимизда 14 бош қорамол, 40 та қўй-эчки боқилапти. Улар тез кўпайиб, махсуддорлиғи ошмоқда. Чўнки ўз пичанзоримиз, яйловимиз, такрорий экинлар хашағи ва буғдой сомони уларга етарлича тўйимли озуқа манбаи бўлмоқда.

Шу тарзда бултур жами 44 млн. сўмлик даромад ва 10 млн. сўмлик соф фойда қилдик.

Яқинда тендерда голиб чиқиб, Ёмонжар массивидан яна 50 гектар ер олдим. Банкдан 5 млн. сўмлик имтиёзли кредит беришди. Уни иккита мақсад йўлида сарфляпман. Биринчидан, жорий йилда ўз техникамизни кучи билан янги, янги нообод ерларни оборотга киритаёмиз. Иккинчидан, анорзоримиз рўпасида "Тўйхона" тилаяёмиз. Бунинг учун аввал пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган мини-завод қурган эдик. Ҳозир буғдойзорларимиздаги ям-яшил барра кўзни қувонтирмақда.

Демак, Президентимиз томонидан белгилаб берилган курсатмаларни ҳаётга татбиқ этиш учун кўлимиздан келадиган барча чора-тадбирларни қўриб, бизга билдирилган ишончини, албатта, оқлаймиз.

Масалан, биргина тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш жараёнида 2 миң 794 та ҳолатда қонунга риоя этилмаган. Шундан 1354 таси эки 48 фоизи Фарғона вилоятида рўй бергани ачинарли ҳолатдир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги 3619-сонли Фармони билан тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилди. Уларга нисбатан фақат суд тартибиде қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати эълон қилинди.

Ана шу фармонга асосан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб ишбилармонларнинг фаолиятини тугатиш, тўхатиб қўйиш, банк ҳисоб рақамларидаги операцияларни тўхатиш, тадбиркорга нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини 15 кундан ортиқ вақтга тўхатиб қўйиш эки амал қилиш мuddатини тугатиш ҳамда бекор қилиш судлар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

"Груч курмаксиз бўлмайд" деганларидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига тўғноқ бўлаётганлар орасида айнан ислохотларни амалга оширишга масъул бўлган соҳа вакиллари ҳам борлиғи ачинарлидир. Қўйидаги рақамлар ҳам масаланинг анчайин жиқдий эканлигини далиллади.

Масалан, биргина 2005 йилнинг иккинчи ярмида хўжалиқ судларига 10 миң 916 та даъво аризалари келиб тушган. Шундан 10 миң 513 таси солиқ органлари томонидан киритилган. Судлар ушбу ишларни қўриб чиқиб, 794 та ариза бўйича даъвоини рад этган, шундан, банкларда-

во аризалари юборилмоқда. Рад этилган 794 та иш бўйича миңлаб одамлар ишдан қоллиб судма-суд сарсон бўлганларини бир тасаввур қилиб кўрайлик. Бехуда кетган қанча вақт, умр, ишдан қўли совиган хизматчилар... Бундай ҳатоларнинг айнан назорат органларида йўл қўйилаётганига чидаб бўладими?

Кейинги олти ой давомида ана шу муҳим ва айни пайтда ҳаётий аҳамиятга молик ҳужжат ижроси ўрганилганида, конунсиз судларнинг қарорисиз тадбиркорлик субъектларини фаолиятини тугатиш, тўхатиб қўйишга 98 та, тадбиркорлик субъектларига айрим фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар)ни ноқонуний равишда тўхатиб қўйиш эки амал қилиниши тугатиш ва бекор қилишга оид 117 та ҳолат аниқланди. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида кўп учрамоқда.

Айрим назорат қилувчи органлар ҳамон мустақил равишда молиявий санкциялар қўллашни ва банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхатиб қўйишни давом эттирмоқдалар. Бунга Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент вилоятларидан кўпбал мисоллар келтириш мумкин. Сабаби — шахсий манфаат. Катта миқдорда жарима солиниши, банкдаги операцияларни тўхатиб қўйилишдан қўнғинанга тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари эса, нафс балосига учраган мансабдорлар кўнғилини олишга мажбур

Адлия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари жойларда йўл қўйилаётган қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш учун кескин чоралар қўллашга мажбур бўлапти. Масалан, ўтган йил мобайнида тегишли идораларга киритилган тақдимномаларга асосан 3569 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, уларнинг 349 таси эгалаб турган лавозимдан четлатилди, давлат бошқаруви идораларининг 1921 та ноқонуний қарорлари бекор қилиниб, 5 млрд. сўм ва 407 миң 600 АҚШ доллари миқдоридеги маблағ эгаларига қайтарилди. 285 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ҳам имконият, ҳам масъулият

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз раҳбарининг телевидение орқали берилган маърузасини катта ҳаяжон билан тингладим.

■ **Равшанбек КАРИМОВ,** Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи

Маърузада алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Айниқса, 2005 йилда

тадбиркорлик учун янада қўлай имкониятлар яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар диққатга сазовордир. Ягона солиқ тўлови жорий этилиши, назорат идораларига тақдим

қилинадиган ҳисобот ва маълумотларнинг кескин қисқариши натижасида вилоятимизда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони уч фоиз кўпайди. Айни пайтда вилоятимизда жами 26 миң 858 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 3804 тасини микрофирма, 9197 тасини кичик корхоналар, 4161 тасини фермер ва 2786 тасини деҳқон хўжаликлари ташкил этади. 13 миң 857 нафар фуқаро эса якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланилапти. Утган йили тадбиркорлик субъектларига берилган жами кредит маблағлари миқдори 11,5 млрд.

сўмни, имтиёзли кредитлар миқдори эса 450 млн. сўмни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг вилоят ялпи ички махсудот ишлаб чиқаришидаги улуғи 36 фоизга етди. Қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида оилаларга кам фоизли кредитлар ажратилиши туфайли аҳоли хонадонларида чорва моллари, парранда сони кўпайди. 9 миңдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Маърузада белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, республика Савдо-саноат палатаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармала-

ри жорий ва келажақ режаларига жиқдий ўзгаришлар киритдилар. Жумладан, бошқармаимиз мутахассислари 2006 йил давомида палата аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус дастур тайёрлашга киришдилар.

Юртбошимиз мазкур мажлисда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаолиятга жуда катта баҳо берганлари, тармоқ ривожига доимий эътибор қаратаётганлари барчамизга катта имконият бериш билан бирга улкан масъулият ҳам юклади. Бу андижонлик тадбиркорларни мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўйиши йўлида куч-ғайрат билан меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

ҲАР бир одам қандайдир иш учун дунёга келади. Ер юзида яшаб юрган ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз вазифаси бор

Мухторжон РАҲИМОВ:

«Сон ва сифат

корхонамиз фаолиятида бош мезон ҳисобланади»

Халқимизда "Ёғ, ун, ўтин - рўзгор бутун" деган яхши ҳикмат бор. Унинг маъноси шуки, агар хонадонда тилга олинган ўша учта хом ашё бўлса, қозон қайнайверади. Демак, ун каби ёғ ҳам рўзгорни бут қиладиган асосий масаллиқлардан бири ҳисобланади.

Келиб чиқиб, жамоа эришган меҳнат натижаларини шарҳлаб берсангиз.

— Комбинатимизда ўтган йили эришилган иқтисодий кўрсаткичлар салмоқли бўлди, деб айтишга барча асослар бор. Жумладан, аввалги йилдагига нисбатан товар маҳсулот 3181,1 млн. сўмлик ёки 16,4 фоиз, халқ истеъмоли моллари эса 2987,6 млн. сўмлик ёки 16,2 фоиз кўп ишлаб чиқарилди. Барча маҳсулот турлари бўйича ўсишга эришилди. Масалан, маргарин 6,1, ёғ-мой 33,1, майонез 46,1 фоиз кўп тайёрланди.

Маҳсулотларимиз ҳам ички, ҳам ташқи бозорга чиқарилмоқда. Асосий харидорларимиз тўлов қобилиятига эга ташкилот ва корхоналардир. Жумладан, турдош корхоналарга совун пишириш учун 10179 тонна ёғ-мой хом ашё етказиб берилди. Козогистонга 1986 тонна истеъмол ёғи, Эронга эса 1557 тонна чигит шротни экспорт қилинди.

Эшитишимизга қараганда, комбинат ўтган йили маҳсулот сифати бўйича ўтказилган халқаро кўрик-танловларда иштирок этиб, бир нечта олтин медалга сазовор бўлибди...

— Дарҳақиқат, маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб борганимиз, маркетинг сиёсати тўғриси йўлга қўйилгани, айтишга "Менинг орзум" ёғини кенг реклама қилганимиз тўғриси халқаро фондлар ва ташкилотларнинг совринларини кўлга киритишга муваффақ бўлди. Аниқроқ қилиб айтишдан бўлсам:

— 2005 йил март ойида Женевада "Ишбилармонлик амалиётида юксак сифат учун" халқаро фондининг олтин медали;
— 2005 йил 23-25 ноябрда Food Week халқаро кўргазмасида маргаринимиз ва ёғимизга "Йилнинг энг яхши маҳсулоти учун" олтин медаллари;

— 2005 йил 13-16 декабрда "Менинг орзум" деб номланган

ёғимиз "Имиж, реклама, маҳсулот" арт-кўргазмасида "Йил бренди - 2005" олтин нишони;

— "2005 йил танлови" халқаро фестивалида "Менинг орзум" ёғи ва маргаринимиз "Choice of the year 2005" олтин медаллари билан тақдирланди.

Буларнинг барчаси бир минг қирқ кишидан иборат уюшган жамоамизнинг фидойи меҳнатига, бир ерда туриб қолмасдан, доимий изланиши ва яратилган янгиликларига берилган муносиб баҳодир, деб биламан.

Иқтисодий кўрсаткичлар юқори бўлганидан кейин ишчи-хизматчилар яхши ҳақ олишаётгандир?

— Бозор муносабатларининг қоидаси шундай: яхши ишлаган яхши яшайди. Саволингизга жавобан иккита рақамни тилга олиб ўтиш мумкин. Комбинатимиз бўйича энг кам иш ҳақи ўтган йили 40 минг сўмни ташкил этди. Битта ходимнинг ойлик маоши ўртача 167818 сўмга тўғри келди.

Акционерларга дурустгина дивиденд берилаётган бўлса керак?

— Жорий йил бошидаги ҳолатга кўра, акциядорлик жамиятимизнинг Низом сармояси 524025,8 минг сўмни ташкил этди. Жами чиқарилган акциялар сони - 2620129 та. Улар қуйидагича тақсимланган: давлат улуши - 10 фоиз, "Ўзғойтамаксаноат" уюшмасиники - 10,2. Давлат мулки кўмитасиники - 4,79, "Beglane Investment Company Establishment" компаниясиники - 62,45, меҳнат жамоасиники - 4 фоиз бўлиб, 6,26 фоиз қимматли қозғимиз эркин савдога чиқарилган. Бундан ташқари, 2,3 фоиз акция RTSF "MT INYEST-IMPEKS" ва "Terkiston-invest" инвестиция компаниясига тегишли.

2005 йил 17 октябрь ҳолатига акциялар бўйича тўланган фойзлар дарамадлар 10 млн. сўмни ташкил этди.

— Бу йилги режалар ҳақида



Ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— 2006 йил учун корхонамизнинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича прогноз кўрсаткичлари ўтган йилгидан анча кўп қилиб белгиланган. Жумладан, 30700 тонна ёғ-мой хом ашёси, 25000 тонна маргарин маҳсулотлари, 200 тонна майонез тайёрлашни мўлжаллаб қўйдик. 80000 тонна чигитни қайта ишлашимиз керак. Қўриб турганимиздек, юксак марраларга қўнганмиз. Ишонч билан айтишим мумкинки, булар ҳавойи рақамлар эмас, аниқ ҳисоб - китобларга, мавжуд имкониятларимизга асосланган реал кўрсаткичлардир.

— **Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзоси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши**

депутати сифатида омма ўртасида қандай ишлар олиб бораёсиз?

— 35-Лисунов сайлов округи сайловчилари мени халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига депутат этиб сайлашган. Ўтган давр мобайнида улар ишончини оқлашга баҳоли қудрат ҳаракат қилиб келаяпман. Сайловчиларим билан тез-тез учрашиб тураман. Бундан ташқари, сешанба ва шанба кунлари қабул соатларим бор. Ўтган йил мобайнида 284 нафар фуқарони қабул қилишга тўғри келди. Аксариятига зарур ёрдам кўрсатилди: уйини таъмирламоқчи бўлган муҳтож оилаларга қуриш ашёлари олиб берилди, бекор қолганлар ишга жойлаштирилди, ночор кишиларга дори-дармон ва даволаниш учун маблағ ажра-

тилди, кўпчилик ёшлар касб-хунар эгаллаш учун ўқишга юборилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд катламга моддий ёрдам кўрсатиш, турли оммавий тадбирлар ва спорт мусобақаларига ҳомийлик қилиш комбинатимизнинг ижтимоий соҳадаги фаолиятида устувор йўналиш бўлиб қолган. Масалан, ўтган йили 77, 255, 282, 449 сонли умумтаълим мактаблари ҳамда мусика интернати "Тошкент ёғ-мой комбинати" ОАЖҚҚ маблағи ҳисобидан таъмирланиб, уларга ўқув қуроллари ва синф жиҳозлари олиб берилди. Ҳамза туманидаги кўпқаватли уйлари таъмирлашга 120 млн. сўм ажратилди. 700 дан зиёд ногирон бола ва ўсмирлар иштирок этган телевизион маарафон, бадий гимнастика бўйича "Шарқ гўзаллари" халқаро мусобақаси, юнон-рум кураши бўйича Марказий Осиё биринчилиги ва қатор бошқа тадбирлар корхонамиз ҳомийлигида ўтказилди.

Бундан ташқари, Янги йил, Наврўз байрамлари, Мустақиллик кунини, Хайит сингари қутлуг айёмларда кўп болани, кам таъминланган оилаларга, ёлғиз кексалар ва ногиронларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш аъёна тусини олган.

2005 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш мавсумида "Тошкент ёғ-мой комбинати" Жиззах вилоятидаги "Баҳмал" ва "Самарқанд" фермер хўжалиқларига оталиқ қилди. Корхонамиз мана шу хўжалиқларга 1 та "Дамас" автомабили, 2 та қажавали мотоцикл, 20 та гилам, 10 та музлатгич, 10 та телевизор, 20 та мусика маркази, 20 та магнитофон ва бошқа кўплаб буюмлар етказиб берди.

Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинди. Табиийки, биз бу йил ҳам ўзимизнинг ҳомийлик борасидаги фаолиятимизни давом эттирамиз. Ҳозир ана шу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар манбалари изланмоқда. Шубҳасиз, бундай ишимиз кўламини ва ҳажми янада кенгайди.

Менинг депутатлик ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси сифатидаги бурчимча айрича қараш мумкин эмас. Мақсад, халқнинг, шу эл-юртнинг қорига яраш, унга қўлдан келганча, фидойилик билан хизмат қилишдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Тохир МИРҲОДИЕВ ва Шухрат ОХУНЖОНОВ суҳбатлашдилар

"Тошкент ёғ-мой комбинати" очик акциядорлик жамияти кўшма корхонасида эса бир эмас, бир неча хил рўзгорбор маҳсулотлар ишлаб чиқарилади: истеъмол ёғи, техника ёғи, маргарин, майонез... Бундан ташқари, чигитни қайта ишлаб, шрот, шелуха сингари чорва моллари учун ниҳоятда зарур емишлар ҳам тайёрланади. Қўра-мизки, мамлакатимиз иқтисодиётида, хусусан, аҳоли рўзгорини тўқин-сочин қилишда мазкур корхонанинг алоҳида ўрни бор. Шундай экан, комбинатда ҳозир ишлар қандай бораёпти, келажакда яна нималар қилинади? Мухбирларимиз мазкур очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, O'zLiDeP аъзоси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Мухторжон РАҲИМОВ билан ана шу мавзуда суҳбатлашдилар.

— Мухторжон Никитович, Сиз раҳбарлик қилаётган "Тошкент ёғ-мой комбинати" очик акциядорлик жамияти кўшма корхонаси аҳоли дастурхонини тўқин-сочин, рўзгорни бут бўлишда алоҳида ўрин тутаядими. Ўтган йилдаги иш якунларидан

РЕСПУБЛИКАМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ НЕҒИЗИ БЎЛГАН, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚўШИЁТГАН ВА ЯНГИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН БАРЧА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» 2006 йилда пахта ва ғалла ҳосили етиштиришда кўзланган мақсадларга эришинишга тилаган ҳолда, узоғингизни яқин қилиш ва кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида ўзининг 183 та филиал ҳамда 468 та минибанкларига кўшимча янгидан ташкил этилаётган 150 та минибанклари орқали Сизларга қуйидаги тезкор, манфаатли банк хизматларини таклиф этади: корхона ва хўжалигининг ҳисобварағини очади, ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатади; пахта ва ғалла етиштириш учун имтиёзли кредитлар беради ва бизнес-режаларининг тузишда консалтинг хизматларини кўрсатади; юридик ва ҳисмоний шахслар ҳамда хўжалик субъектлари ўртасидаги тўлов операцияларини ўз вақтида амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширади; барча турдаги коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилади ҳамда мижозларнинг тўлов топшириқларини бажаради; омонатларга бўш пул маблағларининг жалб қилади ҳамда депозит ҳисобрақамининг маблағинингизни, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни биринчи талабдаёқ такдим этади; инвестиция маблағлари эгалари ёки тақсимловчилари буюртмасига биноан инновация лойиҳаларини филиал орқали молиялаштиради; банк Уставида кўрсатилган бошқа операцияларни ўрнатилган тартибда амалга оширади. филиал орқали ўрнатилган тартибда кредитлар ажратади ва Сизларга: тракторлар ва тиркамалар; экиш мосламалари; культиваторлар; пуркагичлар; плуглар;



Германияда ишлаб чиқарилган ўта замонавий ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган Класс-Доминатор 130 дон ўриш комбайнлари; Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган А-4 Алтай хайдов тракторларини харид қилишларингиз учун лизинг хизматини таклиф этади. Шунингдек, «Пахтабанк»да мавжуд бўлган ва айнан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишга мўлжалланган ҳамда бизнесингиз учун қулай халқаро молиявий институтларнинг кредит лойиҳаларидан фойдаланишингиз мумкин. «Пахтабанк»нинг қулай ва манфаатли хизматларидан фойдаланинг ва имкониятларингизни янада кенгайтиринг!

**«ПАХТАБАНК» ФЕРМЕРЛАРНИНГ АСЛ ҲАМКОРИ!
МУҲТАРАМ ФЕРМЕРЛАР!
ҲИСОБ РАҚАМИНГИЗНИ
«ПАХТАБАНК»ДА ОЧИНГ, УНИНГ КАФОЛАТЛИ
ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ ВА
ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИНГ!**

«Пахтабанк» фаровонлигингиз калитидир!



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI



МИЛЛАТНИНГ МУҲИМ БОЙЛИГИ — ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИДИР

Эзгу мақсадлар изланишга чорлайди

Бугун қатъий ва изчил ҳаракат орқалигина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин. Бинобарин, боқимандалик кайфиятидан воз кечиб, замон билан ҳамқадам бўлиш талаб этилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сафларида бугун зиёлилар, оддий ишчилар, хусусий бизнес вакилларидан тортиб, йирик мулк эгалари, таниқли сиёсатчилар, маданият ходимларини ҳам учратиш мумкин. Бу ўз навбатида ривожланган бозор иқтисодиёти шароитига кириб борилаётганлиги билан белгиланади. Ўтиш даврида партия фаолларини эзгу мақсад ва ғоялар уйғунлиги бирлаштириб тургани ҳам айна ҳақиқат. Муҳими, замондошларимиз қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, партиямиз сафларига катта ишонч ва юксак эътиқод билан кириб келишмоқда. Ана шулардан бири санъатшунос ва иқтисодчи Илҳом ТУРСУНБОЕВДир.

Шухрат РАҲИМОВ

Кўппартиявийлик шароитида иш юритиш осон эмас. Нега деганда, ҳар бир партия ўз ғоялари ва қарашлари орқали республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жараёнларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Бу табиий ҳол. О'zLiDeP мавжуд сиёсий партиялар орасида энг ёши бўлса-да, ҳаётий тамойилларга асосланган Дастури, реал ҳаракатлари орқали аҳоли эътиборига тушди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига ўтказилган сайловларда фаол иштирок этиб, вакиллик органларида етакчи ўринларни эгаллаганига бежиз эмас.

Шунинг ўзи партиямизнинг нуфузи ва истиқболдан далолат бермайдими?

— Фикрларингизга қўшилган ҳолда тан олиш керакки, жойларда партиянинг дастлабки ютуғидан кейин бир оз хотиржамликка берилиш ҳоллари ҳам кузатишмоқда. Буни кўпроқ бошланғич ташкилотлар фаолияти мисолида кўриш мумкин. Деган фикрга қандай қарайсиз?

— Бошқа жойларда қандай, билмадим-у, аммо бизда ундай эмас. Аксинча, ўтган давр мобайнида ташкилотимиз ҳар томонлама ривожланди. Айна пайтда ҳисобимизда турган 60 нафар аъзонинг ҳар бири зиммасига масъулиятли топшириқлар юклатилган. Уларнинг ижроси доимо назорат қилиб борилади.

— Партия Дастуридан яхши хабардорсиз, албатта. Унда жумладан, шундай жумла бор: «Партия инсон маънавий салоҳиятининг узлуksиз ўсишини таъминлашга интилади».

— Нима демоқчилигингизни тушундим. Биз ҳам ўз фаолиятимиз давомида кўпроқ ана шу жиҳатларга эътибор қаратаёلمиз. Ҳар бир инсон маънавиятга, маърифатга интилади, ўзининг ички дунёсини бойитишга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёжни қондириш эса жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги кунда туманимизда 3 та болалар мусиқа мактаби, 2 та маданият уйи ва 9 та кутубхона фаолият юритаёпти. Очиги, уларнинг барчаси ҳам кўнгилдагидек фаолият юритаётгани йўқ. Бунинг му-



айан сабаблари бор, албатта. Бозор шароитига мослашиш жараёни осон кечмаяпти. Булардан ҳам кўз юммаслик керак. Интилганга толе ёр, дейдилар. Биз ўтган йили 36 млн. сўм маблағ ишлаб топдик. Албатта, бу анча салмоқли кўрсаткич. Топилган маблағ ҳисобига мавжуд кутубхоналар, маданият уйлари фаолиятини ривожлантиришга ҳаракат қилаёلمиз. Бу борада бошланғич партия ташкилоти фаоллари бош-қош, ташаббускор бўлишаётгани эътиборга моликдир. Сир эмас, ҳозирда айрим чекка вилоятлар, туманлардаги маданий уйлари ва кутубхоналар фаолияти талабга жавоб бермайди. Фикримизча, аҳолни ўнглаш учун тимисиз изланиш, кўшимча имкониятларни қидириб топиш даркор. Юқорида таъкидланганидек, инсон ҳамisha маънавиятга, маданиятга, санъатга эҳтиёж сезиб яшади. Бу борадаги эҳтиёжни қондириш соҳа вакиллари биринчи галдаги бурчидир.

Шунинг учун ҳам мавжуд муаммолар бошланғич ташкилот йиғилишларида тез-тез муҳокама этилиб, уларни ҳал этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиши лозим, деб ҳисоблайман. Айтайлик, бугунги ислохлар жараёни маданият уйлари фаолиятини такомиллаштириш, хизмат сифати ва кўламини оширишни тақозо этмоқда. Лекин ҳолва, деган билан оғиз чучимади. Кўзланган мақсадларга эришиш учун мавжуд куч ва имкониятларни уйғунлаштириш, О'zLiDeP сафларига маҳкамроқ жиپслашиш, партия ғояларини рўйб-га чиқариш йўлида қатъият билан иш юритиш талаб этилади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳам ўзига хос санъат, сиёсат, демакдир. Излаган имкон топади, деган гап бекорга айтилмаган. Бугун қатъий ва изчил ҳаракат орқалигина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин. Бинобарин, боқимандалик кайфиятидан воз кечиб, замон билан ҳам-

«Партия жамиятнинг зиёлилашуви тарафдори, зеро, давлатнинг иқтисодий тараққиёти фақат фан ва техниканинг янги ютуқларига таяниши мумкин. Шу муносабат билан таълим ва фаннинг устувор ривожланишини таъминлаш зарур».

О'zLiDeP Дастуридан

қадам бўлиш талаб этилади. Бунинг учун эса, энг аввало, жойлардаги бошланғич ташкилотлар ва уларнинг етакчилари намуна кўрсатишлари, эл-юртнинг юксак ишончига муносиб бўлишлари лозим. Ана шундагина партия-мизнинг нуфузи ортиб, сафлари янада мустаҳкамланади.

Бугунги кунда Қашаги туманида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 595 нафар аъзоси бўлиб, улар аҳоли кенг қатлами орасига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилишмоқда. Тумандаги 44 та БПТ орасида Қашаги гишт ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти бошланғич ташкилотининг ўз ўрни бор. Бу ерда 16 нафар О'zLiDeP аъзоси ҳисобда туради. Кишлоқ жойларида табиий газ, электр, ичимлик сув таъминотини яхшилаш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш борасида партия фаолларининг ҳиссаси катта бўлаётир.

Маънавий рағбат — муваффақият гарови

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасаначиликни ривожлантиришга оид Фармони кўплаб муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Энди ҳамма гап ўзимизда. Демак, партиядошларимиз бу борада янада фаолроқ ҳаракат қилишлари лозим

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» муҳбири

— Янги иш жойларини ташкил этиш айна кундаги долзарб масалалардан биридир,— дейди ташкилотимиз раҳбарлари бошланғич ташкилот етакчиси Ризов Алимов. — Бу ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этади, албатта. Чунки, халқнинг юксак ишончини оқлашимиз лозим. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган гиштга талаб катта. Барча вилоятларда ўз миқдорларимиз бор. Хом ашё захираси етарли. Агар яна битта шундай гишт заводи барпо этилса, айна мудоао бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасаначиликни ривожлантиришга оид фармони кўплаб муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Энди ҳамма гап ўзимизда. Демак, партиядошларимиз бу борада янада фаолроқ ҳаракат қилишлари лозим.

О'zLiDeP Қашаги туман кенгашининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида ана шундай мулоҳазалар ўртага ташланди. Унда иштирок этган бошланғич ташкилотлар раислари, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари ва партия фаоллари мавжуд муаммоларни ҳал этиш, партиявий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозимлигини таъкидладилар. Жумладан, туман марказий шифохонаси бош ҳақими Баҳрин Мейлиев, реанимация бўлими бошлиғи Жавли Раҳимов сўз-сўзларини таъмирлаш, уларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини ошириш масалалари ҳусусида тўхталишди. Депутат Ойбахор Дўстмуродова ўз сўзида уйда ўтириб қолган хотин-қизларни иш билан таъминлаш, оилалар осойишталигини сақлаш, ёш авлодни вояга етказиш борасида айрим бошланғич ташкилотлар томонидан сустрасиликка йўл қўйлаётганлигини таъкидлади.

Туман машина-трактор парки бошланғич ташкилоти раиси, депутат Ганишер Шароповнинг фикрича, фермерларни кредит, техника, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш талаб даражасида эмас. Минерал ўғит таъминотидаги ноҳолисликлар ҳаммасидан ошиб тушади. Ўз шартномавий мажбуриятларига

бир томонлама ёндашиб, фермерларни мушкул аҳволга солаётган корхона ва ташкилот раҳбарларига нисбатан қонуний чора қўриш пайти келди. Адолатсизликка йўл қўймаслик учун мулкдорларнинг ўзлари ҳақ-ҳуқуқларини пухта би-лишлари лозим, албатта.

— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан алоҳида дастур ишлаб чиқдик, — дейди О'zLiDeP Қашаги туман кенгаши раисининг ўринбосари Холмўмин Қўйлиев. — Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ногиронлар ва кексалар, боқувчисини йўқотган кишилар ҳолидан хабар олиш, ёрдамга муҳтож фуқароларга меҳр ва муруват кўрсатиш доимий эътиборда бўлади.

Партиявий-сиёсий ишларни жонлантириш кўп жиҳатдан етакчиларга, уларнинг фаоллигига боғлиқ. Тўғри, сустрасиликка йўл қўйётган бошланғич ташкилотларимиз ҳам бор. Айримлари ҳануз-гача етарли шарт-шароитга эга эмас. Бу эса иш жараёнига салбий таъсир кўрсатаёпти. Фикримизча, вилоят кенгаши қошида ташкил этилган сиёсий ўқувларга ана шундай ташкилот раисларини кўпроқ жалб этиш зарурга ўхшайди. Сафларимизга адашиб кириб қолган, эътиқоди суст етакчилардан воз кечиш пайти келди. Чунки, бундай кишилар партия фаолиятига фойда эмас, аксинча, зарар келтиради.

Ушбу йиғин баҳонасида бошқа бир неча қўйи бўгин етакчилари билан ҳам суҳбатлашишга тўғри келди. Уларнинг аксарияти ягона мақсад йўлида интилаётган сиёсий мақсадлар эҳтиёж сезадилар. Улар юксак инсоний эътиборни сезиб, юракдан ҳис этиб турсалар, самара бундан-да юқори бўлиши шак-шубҳасиз.



Илҳом ТУРСУНБОЕВ
1954 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент (ҳозирги Ўзбекистон) давлат консерваториясини, шунингдек, қишлоқ хўжалиқ институтини тамомлаган. Айна пайтда Учтепа туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи, О'zLiDeP бошланғич ташкилотининг раисидир.

Эзгуликнинг умри боқий

Вобкентлик партия аъзоларининг таъкидлашларича, касаначиликни ривожлантиришга қаратилган Фармон шарофати билан чармгаронлик кўплаб хунар соҳиблари туман ва вилоят корхоналарига шартнома асосида ишга жойлаштирилмоқдалар

— Бугунги сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёни зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Омманинг тўла ишончини қозониш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланишимиз лозим. Хусусан, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган ҳаётӣ вазифалар бизни қатъият ва ташаббускорлик билан иш юритишга ундамоқда, — дейди партия туман кенгаши раиси ўринбосари Тошпўлат Рустамов.

■ **Эшмурод БОБОМУРОДОВ,**
«XXI asr» мухбири

Аслида ҳам шундай. O`zLiDeP туман кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши ишчанлик ва сиёсий фаоллик руҳида ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотлари раислари, халқ депутатлари туман кенгашига сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар, муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари худудидаги партия фаоллари қатнашдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, Президентимизнинг юқорида тилга олинган маърузаси, қатор фармон ва қарорлари мамлакат ҳаётининг яқин келажақдаги иқтисодий-ижтимоий, маърифий-мафкуравий истиқболларини белгилашда алоҳида аҳамиятга эгадир. Депутатлар гуруҳи раҳбари, «Чармгарон» маҳалла фуқаролар йиғини ва ушбу маҳалла бошланғич партия ташкилотининг раиси Шафоат Файзиёва, муқобил МТП бошлиғи, туман кенгаши депутати Амрилло Файзуллаев, партия туман кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари

Шафоат ФАЙЗИЕВА 1958

йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаган.

Мутахассислиги — психолог-педагог.

«Наврўз» ва «Хилола» боғчаларида мудира, туман ҳокимлигининг мактабгача тарбия ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассиси вазифаларида ишлаган. Айни пайтда «Чармгарон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти етакчиси.



Зулфия Бақоевалар сўзга чиқиб, туманда касаначиликни ривожлантириш мевачилик ҳамда сазавотчилик, истиқболлари, шунингдек, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурини амалга ошириш борасидаги вазифаларга тўхталдилар.

— Биз кўппартиявийлик даврида яшарканмиз, эл-юртга кўпроқ манфаат келтириш, улар эришадиган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, муаммоларнинг ҳаётӣ ечимини топишга ҳаракат қилмоғимиз лозим, — дея таъкидлади ўз сўзида туман ҳокими, сенатор М. Эсанов. — Бундан бундан айтаётганим йўқ. Ким қайси соҳа ёки лавозимда ишлашдан қатъий назар, барчамиз ўзаро ҳаммаслашмиз, партиядошимиз. Бинобарин, ўрнимиз олдинги сафда бўлиши лозим. Шундангина давр шиддатидан орта қолмаймиз.

Аслида туман партия кенгашида O`zLiDeP аъзоларини сиёсий фаоллик ва янги ташаббусларга ундовчи бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб, уларнинг ижроси қатъий назорат остига олинади. Натига ҳам шунга яраша.

Ун бор эшитгандан бир кўрган яхшироқ. Шу ҳикматга амал қилиб, яқинда биз «Чармгарон» маҳалласида бўлдик ва бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан танишдик.

— Мана, гувоҳи бўлиб турганингиздек, маҳалламиз туман марказининг қўқ ўртасида жойлашган, — дейди ташкилот раиси Шафоат Файзиёва. — Худудимизда 2,8 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилапти. Улар орасида ногиронлар, боқувчис-

ни йўқотган ёки яққа-ёлғиз кишилар ҳам бор. Муҳтожлар ҳолидан ҳабар олиш, уларга ўз вақтида кўмак бериш — инсоний бурчимиздир. Бу борада O`zLiDeP аъзолари, маҳалла фаоллари билан яқин ҳамкорликда иш юритиш ўз самарасини берапти.

Икки қарра раиса Шафоат Файзиёванинг фикр-мулоҳазалари менга бухороли етти пирдан бири — Хўжа Ориф ар-Ревгарий (Моҳитобон)нинг: «Фазилатли жой инсонларни азиз этмайди, балки фазилатли инсонлар ҳар қандай жойни азиз этдилар», деган доно ўғитини эслатди. Зеро, эзгуликнинг умри боқийдир.

... Икки йилдан ошдики, маҳаллада бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Унинг кундалик фаолиятига тажрибали зиёкор, партия туман кенгаши аъзоси, халқ депутатлари туман кенгашининг депутати Шафоат Файзиёва раҳбарлик қилапти. Партия фаоллари — маҳалла посьбони Исроил Жўраев, йиғиннинг маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича масъул раҳбарлик қилапти. Хусусий тадбиркорлар Ҳамид Очилов, Гулнора Рустамова, уй бекаси Гулчехра Курбонова унинг энг яқин ерданчиларидир. Раис ҳар бир масалага сезгирлик билан, оқилона ёндашишга одатланган. Шу боис, тумандаги 36 та қўй ташкилот орасида уларнинг ўз ўрни ва нуфузи бор. Энг муҳими, масаладошлар сафи кенгайиб бормоқда. Яқинда маҳалла фаолларидан бир гуруҳи, чунончи, ҳамшира Ойдин Гайбуллаева, спорт мактаб-интернати иш юритувчиси Шахло Ҳонова, жисмоний тарбия ва ҳарбий таълим кўтитувчиси Баҳодир Тоҳиров ҳам O`zLiDePга аъзо бўлишди. Атрофида ана шундай фаол, жонқур инсонларни жипслаштириш олдига бошланғич ташкилот қандай ишларга қодир бўлишини тасаввур қилаверинг.

«Чармгарон» маҳалласида 2 та болагар боғчаси, 1 та мактаб, иқтидорли болалар интернат-мактаби, халқ таълими бўлими, спорт мактаби, «Вобкентнон» акциядорлик жамияти, «Узғорсуғурта»нинг туман бўлими, Ўзбекистон Фермерлар уюшмасининг туман филиали, марказий ўйингоҳ ва истироҳат боғи жойлашган. Ўз-ўзидан аёнки, улар фаолияти нафақат маҳалла ободлиги, осойишталиги, ташвиш ва интилишлари, балки бутун туман аҳлининг кундалик ҳаёти билан chambarchас боғлиқ. Худудий бошланғич партия ташкилоти маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда фаолият юритиб, эл-юрт фаровонлигини оширишга муносиб хисса қўшмоқда.

Маҳаллада ҳомийлик ёрдами ҳам кенг йўлга қўйилган. Чунончи, Конституция, Мустақиллик кунлари, Ҳайит байрамлари муносабати билан қариялар, эҳтиёжманд оилалар, туман фахрийларининг

иззатини жойига қўйиш, маҳалла ҳовлисида тўқин дастурхон ёйиш яқин аънамага айланган. Айни кунларда Наврўз байрамига қизгин таралуд кўриляпти.

Бошланғич ташкилот ташаббуси билан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг дастлабки ойида маҳалладаги 23 нафар ногирон, 36 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига моддий ёрдам кўрсатилди. «Вобкентнон» акциядорлик жамияти туман марказий касалхонаси ҳисоб рақамига 500 минг сўм миқдорда ҳомийлик ёрдами берилди. Булар, албатта, ҳомийлик борасидаги хайр-саховат ва эзгу ишларнинг дебючасидир.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш партия дастуридан жой олган устувор масалалардан бири ҳисобланади. Шафоат Файзиёва ҳам депутат, ҳам бошланғич партия ташкилоти етакчиси сифатида бу борада ўзини тўла масъул, деб билади. Яқинда 10 нафар оилавий тадбиркорга беминанат ёрдам кўрсатилди, яъни уларга банкдан 800 мингдан 1 миллион сўмгача имтиёз кредит олиб берилди. Президентимизнинг касаначиликни ривожлантиришга қаратилган Фармон шарофати билан чармгаронлик кўплаб хунар соҳиблари туман ва вилоят корхоналарига шартнома асосида ишга жойлаштирилмоқдалар. Тикувчи-бичувчилар Феруза Камолова, Малика Наботова, Шоира Кудратова, патдўз Наргиза Усмонова, ҳолвапаз Салима Тўраева фикримизга жонли мисол бўла олади. Эндилдики улар касаначилик фаолияти билан бемалол шугулланиб, ҳам оилаларига, ҳам жамиятга фойда келтирмоқдалар.

— Яқинда «Оилани ижтимоий ҳимоялаш ўқув-ишлаб чиқариш маркази»ни ташкил этдик, — дейди Ш. Файзиёва. — Ҳадемай, бу ерда нонвойлик, қандолатпазлик ва ҳолвапазлик сирлари ўргатила бошланади. Зарур ҳол ашёни ўзимиз етказиб берамиз. Касаначиликнинг умри боқийдир.

Партия туман кенгаши раиси ўринбосари Тошпўлат Рустамовнинг таъкидлашича, Вобкентда бундай жонқур етакчилар талайгина. Ал-Бухорий номи ширкат ҳўжалигидаги «Олмазор» фермер ҳўжалиги, «Шакаркент» маҳалла бошланғич партия ташкилотлари раислари Нодира Файзуллаева, Маҳмуд Равшанов, Амрилло Асадовлар фаолияти фикримиз мисоли бўла олади. Ҳозирги кунда туманда 620 нафардан зиёдроқ O`zLiDeP аъзолари иш олиб боришмоқда. Улар сафини янада кенгайтириш, партия дастурида ўртага қўйилган эзгу мақсадларни изчиллик билан рўёбга чиқариш йўлида барча имкониятлардан фойдаланилаётганиги эътиборга лойиқдир.

Барча жойда бўлганидек, Сирдарё вилоятида ҳам O`zLiDeP сафлари кенгайиб бормоқда. Партиявий-сиёсий ишларнинг таъсирчанлиги оширилаётганиги бу борада ўз самарасини берапти. Узоққа бормайлик. Кейинги пайтда вилоятдаги «Янги ҳаёт» паррандачилик фабрикасининг оёққа туриб олишига ҳеч ким ишонмай қўйганди. Сабаби - таназзулга юз тутиб, фаолияти тўхтаб қолган корхонанинг сиёсий воситалари аллақачон талон-тарож қилиб бўлинган эди. Мана, орадан икки йил ўтди. Бугун «Янги ҳаёт»да манзара бошқача. Корхона илгорлар сафидан ўрин олган. Чунончи, 2005 йилда 454 млрд. сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб берилди. Ҳўш, ютуқларнинг асосий сири нимада?

Якдилликдан ташаббускорликка

2005 йилни 260 млн сўм фойда билан яқунлаган «Янги ҳаёт»да O`zLiDeP аъзолари ниҳоят ўз кучларига ишона бошладилар

■ **Примкул ДўСТМАМатов,** «XXI asr» мухбири

Фикримизча, бунинг «сир»и корхона жамоасининг сиёсий фаоллиги ва ташаббускорлигидир. O`zLiDeP бошланғич ташкилоти одамлар қалбига йўл топиб, уларда эртанги кунга, ислохотларнинг пировард натижасига ишонч уйғота олди. Ҳамма гап шунда.

— Бошланғич партия ташкилотининг биринчи йиғилиши ўтказилган кун сира ёддан чиқмайди, — дейди Ҳасанбой Хожиматов. — Ташкилот раиси сифатида раҳбарият ва партия аъзолари олдида корхонани қолоқликдан олиб чиқиш масаласини кундаланг қўйдим.

Ўшанда бундай кескин талаб кўпчилиқка эриш туюлганини сезиб турардим. Аммо бошқа илож йўқ эди. Бу кетишда ишни ўнглаб бўлмаслиги ойдек равшан эди. Нима қилиш керак? Биринчи навбатда корхонада тартиб-интизом ўрнатиш, партия аъзоларининг масъулиятини янада ошириш лозим, деган хулосага келинди. Уларнинг ҳар бирини «оғриқ»ли участкаларга масъул этиб тайинладик. Очиғи, орадан кўп ўтмай аҳвол ижобий томонга ўзгара бошлади. Партия фаоллари ўшанда биринчи имтиҳондан ўтишган эди, десам хато қилмайман.

Аслида ҳам шундай. Изланиш ва ташаббускорлик тараққийга йўл очди. Фабрика цехларини айланарканмиз, икки-уч йилгина аввал унинг иқтисодий ноҳор аҳволга тушиб қолганига ишончи қийин эди.

Партия фаоли, цех бошлиғи Саидли Маматов ҳикоя қилади: — Дастлабки йиғилишимиз ҳақиқатан ҳам жуда қизгин руҳда ўтганди. Ўшанда кўнглимиздаги барча гапларни тўкиб солганмиз. Лекин, очиғи, жиддий молиявий ёрдамсиз оёққа туриб олиши мушкул эди. Корхона раҳбарига мурожаат қилиб, ўз фикримни айтдим. Шунда у:

«Бу — вазиятдан чиқиш йўлидаги биринчи қадам. Бошқа масалаларни менга қўйиб бераверинглар. Ҳадемай хоржий инвесторлар билан шартнома тузамиз. Аммо маблағ бўлгани билан интизом бўлмаса - ҳаммаси бекор», дегани ёдимда.

Айтилган сўз - отилган ўқ. Ҳақиқатан ҳам ўша йили Германиянинг «Ариан — Ҳафиз» фирмаси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Унга кўра, хоржий фирма 150 млн. сўм маблағ ўтказди. Ҳозир жамоамизнинг руҳи тетик, шу боис энг шимариб ишляпти. Утган йили ўзимизда жўжа очилди - инкубаторни ишга туширдик.

Бошланғич ташкилот раисининг ўринбосари, илгор паррандабоқар Зухра Абдурахмонова ҳикоя қилади:

— Ўзингизга маълум, ташкилотимиз раиси айни пайтда корхона раҳбари ҳамдир. У киши кўпинча хизмат сафари, мажлиси йиғинлар, жамоа ташвишлари билан банд бўлади. Шу боис, масъулиятнинг бир қисми меннинг зиммамга тушиб турган гап, — дейди Зухра. — Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Яъни, излаган имкон топади. Бошланғич ташкилот хонасида барча шарт-шароит мўҳайб. Адабиётлар ва қўлланмалардан камчилигимиз йўқ. Туман ва вилоят кенгайишлари вакиллари партия йиғилишлари, бошқа тадбирларимизда иштирок этиб, тегишли ёрдам ва йўл-йўриқлар бериб туришди.

Уша кун партия фаоллари - Анора Бурҳонова, Клара Маматова, Алёна Азаренко, Саидвали Маликов, Холмат Ўлжаев, Икром Юсупов ва бошқалар билан ҳам суҳбатда бўлдик.

— Фабрикада иш икки сменада ташкил қилинган, — дейди бош зоотехник Улуғбек Узоқов. — Чунки, парранда жуда нозик жонзот. У доимий эътибор ва парваришни талаб этди. Юқори махсуддорлиқнинг сири ҳам шунда. Корхонамизда моддий манфаатдорлик чакки эмас. Ишчи-хизматчиларимизнинг ўртача ойлик маоши 45-50 миңг сўмданга тўри келяпти. Бошланғич партия ташкилоти саъй-ҳаракати билан ҳар икки сменада иссиқ овқат тайёрлаш йўлга қўйилган.

Сафаримиз ниҳоясида корхона раҳбари, айни пайтда партия етакчиси Ҳасанбой Хожиматов билан яна бир бор учрашиб, унинг фикрлари билан қизиқдик.

— Жамоамиз 2005 йилни салкам 260 млн. сўм фойда билан яқунлади. Ушбу маблағнинг асосий қисмини корхона имкониятларини кенгайтиришга сарфляпмиз. Қолганини эса ишчи-хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маданий тадбирлар, шунингдек, ҳомийлик ва хайрия мақсадлари учун ажратганмиз. Мана, икки йилдирки, бошланғич ташкилотимиз аҳоли кўрғонидеги умумтаълим мактаби ва кишлоқ врачлик пунктини ўз оталиғига олган. Бундан ташқари, муҳтож оилалар, қаровчисини йўқотган фуқаролар, корхона фахрийларига ой сайин моддий ёрдам кўрсатиб келяпмиз.

Дарҳақиқат, «Янги ҳаёт»да бугун янги ҳаёт нафаси уфуриб турибди. Жамоа аъзолари ўртасида гоъвий-сиёсий ишларни қўчайтириш, уларни янги меҳнат ютуқлари сари руҳлантиришда бошланғич партия ташкилоти ва унинг атрофида уюшган фаолларнинг ҳиссаси салмоқлидир.

Илова учун масъуллар:
Носир ТОШЕВ, Темура АБДУРАҲМОнов

Танаси бошқа дард билмас

Агар Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди аввалбошдан амалдаги процессуал қонун нормаларига амал қилганида, фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатмаган бўларди...

Фермерлик бугунги кунда қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида ўзини тўлиқ оқлади. 2005 йилда республикада етиштирилган пахта ва галланинг 70 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганининг ўзиёқ мамлакатда қишлоқ хўжалиги бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг изчил ва ҳаётӣ эканлигидан далолатдир. Ушбу жараён айни кунларда ҳам қизғин давом этмоқда. Мамлакат раҳбарининг тегишли Фармон ва қарори асосида жорий йилда мавжуд фермер хўжаликлари қаторига яна 20 мингдан зиёд бевосита қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти қўшилади.

Ақром БЕРДИМУРДОВ

Бирок, жойларда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган ҳолатлар ҳам учраб турибдики, бундан кўз юмиб бўлмайди. Тўрткўл туманидаги "Нурулла Кўчқоров" фермер хўжалиги раҳбари (эндиликда собиқ)нинг тахририятга йўллаган шикоят хатини ўрганиш чоғида бунга яна бир карра амин бўлдик.

Қишлоқ мулкдорининг тахририятга ариза билан мурожаат этишига эса қуйидаги воқеа сабаб бўлган.

2004 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги "Тўрткўл оқ олтин" акциядорлик жамияти манфаатини кўзлаб, жавобгар — "Нурулла Кўчқоров" фермер хўжалигидан 618.750 сўм ундириш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига даъво киритади. Суд 2004 йил 18 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан ушбу даъво қаноатлан-тирилди.

"Мен ўшанда эҳтиёт қисмлари қидириб, 5-6 кунга қўшни туманларга чиққан эдим, — деб ёзади Болтавой Нуруллаев. — Сафардан қайтиб келсам, фер-

мер хўжалигимиз иши судда менинг иштирокисиз қўрилиб, ҳал қилув қарори чиқарилибди."

Бошқаларни билмадим, аммо мени бу ҳақда ҳеч ким олдиндан оголантирмаган, судда "жавобгар" сифатида иштирок этишим учун қақриув қоғози олмаганман. Менга нисбатан иш юритувига қабул қилинган даъво аризаси ҳам тақдим этилмаган. Шунга қарамай, қарорда: "Н. Кўчқоров" фермер хўжалиги манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил белгиланмаганлиги ҳолда хўжалик судининг ҳал қилув қарорига "жавобгар томон вакили тегишли тартибда суд муҳокамасига қақририлишига қарамасдан қатнашмади ва ёзма равишда фикр билдирмади" деб ёлгон маълумотлар берилиши, қонуний ҳужжат сохталаштирилиб, хизмат кўзбўямачилигига йўл қўйилиши қандай баҳолаш мумкин?

Мен поймол этилган ўз ҳақ хўқуқларимни ҳимоялаб, пахта топшириш шартномаси мажбуриятларининг бажарилмаслигида фермер хўжалигимизнинг айби йўқлигини, суд жараёни процессуал қонун нормаларига риоя қилинмас-

дан ўтказилганлигини исботлаш учун "Тўрткўл оқ олтин" акциядорлик жамиятини жавобгар сифатида кўрсатиб, даъво аризаси билан Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига мурожаат қилдим. Унинг 2005 йил 19 майдаги 23-05/151-сонли қарорига (апелляция инстанциясида) асосан жавобгар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажармаганлиги оқибатида фермер хўжалигимизнинг пахта топшириш режасини бажариш имконияти бўлмаганлиги ўз тасдиғини топди. Даъво қисман қаноатлан-тирилиб, "Тўрткўл оқ олтин" акциядорлик жамиятидан бизнинг фойдамызга 516.450 сўм пеня,

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 9-моддасида "Суд ишларининг торттишув ва тарафларнинг тенглиги принциплари асосида олиб борилиши белгиланган бўлиб, бу билан даъвогар ўз манфаатларини ҳимоя қилиб, далил-исботлар ва фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар" дейилган.

800.000 сўм миқдорига етказилган зиён, 26.329 сўмлик давлат божи, 9100 сўмлик туланган почта харажатларини қайтариб ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди. Қўрилиб турибдики, Қора-

қалпоғистон Республикаси хўжалик суди аввалбошдан амалдаги процессуал қонун нормаларига қатъий риоя қилганида, "Н. Кўчқоров" фермер хўжалиги суд муҳокамасида ўз позициясини ҳимоя қилиб, даъвогарга қарши даъво тақдим этиб, ноконуний белгиланган 618.750 сўм миқдоридagi жарима ва қўшимча тўловларни тўламаган, фермер хўжалиги эса ўз фаолиятини тўхтатмаган бўларди. Шу боис, Болтабой Нуруллаев Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Олий хўжалик судига ариза йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2005 йил 26 августдаги 13/108-05-сонли жавоб хатидан:

"... суд қарорларига нисбатан назорат тартибда протест келтириш учун етарли асослар топилмаганлиги ҳамда улардан норози бўлганингиз тақдирда Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 193-моддасига мувофиқ, Республика Олий хўжалик судига мурожаат қилишингиз мумкинлиги тушунтирилади".

Б. Нуруллаев ушбу кўрсатмага амал қилиб, Олий хўжалик судига ариза ёзади ва 2005 йил 16 ноябрдаги 16-851н сонли қуйидаги жавобни олади:

"... суд қарорлари амалдаги қонун талаблари ва иш ҳолатларига мувофиқ ҳолда қабул қилинган деб ҳисобланиб, аризангиз қаноатлантиришсиз қолдирилганлиги ҳақида хабар қилинмоқда".

Ушбу жавоблар аризагўйини қаноатлантирмади. Чунки уларда фақат хўжалик судининг ҳал қилув қароригагина муносабат билдирилиб, процессуал қонун нормаларининг бузилган ёки бузилмаганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаганди.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 9-моддасида "Суд ишларининг торттишув ва тарафларнинг тенглиги принциплари асосида олиб борилиши белгиланган бўлиб, бу билан даъвогар ва жавобгар ўз манфаатларини ҳимоя қилиб, далил-исботлар ва фикрларини бил-

диришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар", дейилган. Юқоридаги ҳолат эса афсуски, бу қонуннинг бузилганлигини кўрсатиб турибди.

Агар гап фермер хўжалигининг контракция шартномасида белгиланган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги ҳақида кетадиган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрда "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 383-сонли қарорини эслаш ўринлидир. Ушбу қарор билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан шартнома тузишда, уларни ижро этишда тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналарга нисбатан фермер хўжаликлари устувор даврга эга эканлиги эътироф этилган. Яъни, фермер хўжалигининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотларнинг айби билан (минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари вақтида етказиб берилмаганлиги, ўз вақтида машина-трактор парклари томонидан ерлар шудгор қилинмаганлиги, ҳосил йиғиштириб олинмаганлиги, сув таъминотида узилтишлар бўлганлиги ва бошқа ҳолатлар оқибатида) контракция шартномаси лозим даражада бажарилмаганлиги исботланганда, фермер шартномада белгиланган жавобгарликдан озод этилади, дейилган.

Бунда моддий жавобгарлик ёки бошқа ҳуқуқий чоралар айбдор бўлган хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар зиммасига юклатилади. Уйлаймикин, ушбу ҳужжат шарҳидан кейин изоҳга ҳолат қолмас керак.



ФЕРМЕРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида пойтахт вилоятида бу йил 50 та зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ хўжалик ширкатлари фермер хўжаликларига айлантирилди.

Муносиблар танлаб олинди

Танловда қатнашиш учун ариза берган 7321 кишидан 1981 нафари ғолиб, деб топилиб, уларга жами 133 минг 509 гектар ер майдони тақсимлаб берилди.

Дониёр КАМОЛ, "XXI asp" муҳбири

Барча туманларда фермер хўжаликларини белгиланган мuddатда, қонуний асосда ташкил этиш ва уларнинг жадал ривожланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, фермер хўжаликлари уюشمаси виллоят вакиллиги, туман ҳокимлари, тарқатилётган ширкат хўжалигида қайта ташкил этиш комиссияси аъзолари асосий эътиборни тендернинг қонуний ва холисона ўтишига қаратдилар.

Аслида хўжалик ерларини бўлажак фермерларга тақсимлаб бериш бўйича 32 та лоиҳа ишлаб чиқилган эди. Эълон қилинган танловда иштирок этиши, ажратилган 1813 гектар майдонда пахта ва галла, 3 гектар ерда боғ ва узум етиштиришга бел боғлаган, тадбиркорлардан 120 та ариза тушди.

ТАНЛОВ

Кулатишди-ю унутишди


Андижон шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари диққатига!

2003 йилда Андижондаги «Халқлар дўстлиги» ўйингоҳининг бир томонидаги деворлар тез суръатда бузилиб, таъмирлаш ишлари бошланган эди. Кейинчалик иш бирдан тўхтаб, деворлар ҳам кулатилганича қолиб кетди. Одамлар йўл орқали эмас, кулаган деворлар устидан ўтиб, бир ҳолатга туширилган ўйингоҳдан юришни одат қилдилар. Мана, орадан канча вақт ўтибди ҳамки, асосатда қолган ўйингоҳ ҳолидан хабар оладиган мард топилмапти. Аҳоли эса ҳеч бўлмаганда кулатилган деворлар тезроқ тикланса бўлар эди, дея ният қилишдан ўзга чора топмапти. Чунки, мазкур ҳолат халигача мураббий ва спортчиларнинг машғулот ўтказишларига ҳалақит берибгина қолмай, шаҳар кўринишини ҳам бузмоқда. Бу ўйингоҳда аёллар футбол жамоаси, 14 карра Ўзбекистон чемпиони «Андижан-ка», «Юлдуз» чим устида хоккей жамоаси ва виллоятдаги барча енгил атлетика спортчилари мунтазам равишда машғулотлар ўтказаятгани эса ҳозирда ҳеч кимнинг хаёлига келмапти. Ҳўш, кўрайлик-чи, мазкур ҳолатга Андижон виллоят, шаҳар раҳбарлари яна қачонгача томошабин бўлиб тураркинлар?..

ФОТОАЙБНОМА



Аъзамжон ҚОДИРОВ олган суратлар.



Жумладан, виллоятнинг Юқори Чирчиқ туманида ҳам кейинги йилларда қоқоқликдан қутулмаётган иқтисодий ноҷор "Ийк ота" ширкати негизда 33 та мустақил фермер хўжалиги ташкил этилди. Аслида хўжалик ерларини бўлажак фермерларга тақсимлаб бериш бўйича 32 та лоиҳа ишлаб чиқилган эди. Эълон қилинган танловда иштирок этиш, ажратилган 1813 гектар майдонда пахта ва галла, 3 гектар ерда боғ ва узум етиштиришга бел боғлаган тадбиркорлардан 120 та ариза тушди. Ҳар бир аризани синчковлик билан кўздан кечириб, фермерликка даъвогарлик қилаётганларнинг касби, иш стажлари, малакаси ва жиҳатларини атрофлач урганиб, энг муносибларини саралаб олишга ҳаракат қилдик, - дейди танлов комиссияси аъзоси, туман прокурори ўринбосари Хислат Кенжаев. — Чунки, мақсад истиқболсиз хўжаликни тугатиш ва унинг ерларини янги фермерларга тақсимлаб бериш эмас, балки ушбу унумдор ерларни ҳақиқий эгаларига топширишдир. Шу боис, комиссия аъзолари давлат аҳамиятига молик ушбу жараённинг қонуний ўтиши учун бутун масъулиятни ўз зиммаларига олдилар.

Таъкидлаш жоизки, хўжалик қатор йиллардан буён пахта ва галла етиштириш шартнома режаларини бажара олмай келаётганди. Натижанда пайчиларнинг ойлик маошлари вақтида берилмас, ширкат турли ташкилотлардан 613 миллион, бюджетдан эса 237 млн. сўм қарздор бўлиб қолганди. Қайта ташкил этиш комиссияси томонидан хўжаликнинг умумий мол - мулки қайта баҳола-ниб, мавжуд қарздорликни узиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

— Адолат ва ошқоралик таъминланганидан хурсандман, - дейди Абсайит Эрхонов. — Танловда қатнашиб, 84,5 гектар ернинг эгаси бўлдим. Бор имкониятларимни ишга солиб, билдирилган ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан.

Танлов ғолибларининг аксарияти узоқ йил қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилган, ижара ва оила пудрати усулларини яхши ўзлаштирган маҳаллий аҳоли вакиллари. Биргина мисол: Мираҳмад Илёсов дехқончиликда кўп йиллик тажрибага эга. Хусусан, пахтачилик соҳасини чуқур билади. У танловнинг барча шартларига кўра энг юқори кўрсаткични қўлга киритиб, 100,3 гектар ер майдонидан узоқ мuddатга фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Очиги, фермерликка орузмандлар кўп бўлди, - деди Мираҳмад ака. - Буни танловда қатнашган талабгорларнинг сони ҳам кўрсатиб турибди. Лекин, фермерлик - айримлар ўйлаганчалик осон иш эмас. Бунинг учун мавжуд имкониятлардан ташқари, дехқончилик бўйича муайян тажриба ҳам бўлиши керак. Изланувчан, ер билан тиллаша оладиган одамгина бундай масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин.

Акс ҳолда ернинг умри беҳуда ўтиши, мулк эгаси бўлишни орзу қилган ҳаваскор эса чув тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Яхши ният - ярим давлат, дейдилар. Юқори Чирчиқ туманида қишлоқ мулкдорлари сағига қўшилиб, фермерлик мақомига эга бўлган 33 нафар тадбиркор енг шимариб, ишга киришди. Уларга дастлабки йил хирмонлари баракали бўлиб, билдирилган юксак ишонччи ша-раф билан оқлашларида муваффақият тилаймиз.

Соддадил ва соддатил шоир

Улуғ инсон, шоир ва шоҳ сифатида ўзбек халқи тарихидан муносиб ўрин эгаллаган мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ўзбек халқининг етти яшаридан етмиш яшаригача билмайдиган, унинг дилтортар шеърятидан баҳра олмаган инсон топилмас керак. Бугунги кунга қадар машҳур аллома ҳақида романлар, қиссалар, ўнлаб дostonлар, шеър ва ҳикоялар ёзилган, видеофильмлар яратилган. Бу улуғ сиймо ҳақидаги замондошларимиз тасавурларини жамлайдиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси унинг сурати ва сийратиди буюклик ва соддалик омухта бўлиб кетганлигига бориб тақалади. Юзаки қараганда бу икки тушунча, яъни буюклик ва соддалик бир-бирини инкор қиладиганга ўхшайди. Аслида эса улар бир-бирига жуда яқин, бир-бирини тўлдирадиган тушунчалардир. Бизнинг бу фикримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бевосита алоқадордир. Унинг бу фазилатини асарлари тилидан ҳам яққол англаш мумкин. Зеро, Бобур асарларининг энг муҳим жиҳатларидан бири тилининг соддалигидир. Бу хусусият, айниқса, унинг шоҳ асари — “Бобурнома”да яққол кўзга ташланади.



бу ёзувни жорий қилиш бутун бошли динга қарши туришдек бир ходиса сифатида талқин этилди ва у ўз-ўзидан амалда қўлланилмай қолиб кетди. Маълумки, Бобур Хиндистонда катта мамлакатни ишғол қилиб олган бўлса ҳам, қалбиди бир умр ўқинч билан яшадди:

*Толғу йўқи жонимга
баловил бўлди,
Ҳар ишники айладим,
хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сари
юзландим,
Ераб, нетайин, не юз
қаролиғ бўлди...*

Ҳар илқиди келса бир дамни кечурманг там била...

Ўз асарларини халққа тушунарли ва содда тилда ёзишга ҳаракат қилган шоир бошқаларни ҳам содда сўзлаш ва содда ёзишга чақиради. “Бобурнома”да келтирилишича, Бобур Хиндистонда эканида Кобулдаги ўғли Ҳумоюндан ўта дабдабали тилда тилда битилган мактуб олади. Мактуб бошдан оёқ куйидагидек жумлалар билан тўла эди:

“... Қуллуқ арқадош улким... ва султони салотин қиблагохимизнинг мурувват ва ҳамият куёши... шамси талъат Хут буржиди эдиким, абри найсон парришон бўлиб эди...”

Уғлидан келган мактубдаги бу каби гализ жумлаларни ўқиган Бобур Мирзо таассуф ила бош чайкайди ва бу каби услубда фикр юритиш нафақат Ҳумоюнга, балки ўша давр кишиларининг ҳаммасига хос эканлигидан ачинади. Шунинг учун Ҳумоюнга ёзган жавоб мактубида совун кўпигидек омонат, пуч сўзлар билан оқ қоғозни қора қилмоқ орифлар учун фазилат эмаслигини, мактубни содда тилда ёзиш орқали ҳам ўзига, ҳам ўқувчига осон қилишга эришиш мумкинлигини таъкидлайди: “Хатингни худ ташвиш била ўқуса бўладур вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. ... Тақаллуф қилай дейсен, ул жиҳатдин муғлақ бўладур. Мундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити, ҳам санга ташвиш ороққ бўлур ва ҳам ўқуғчиға...”

Бобур Мирзо нафақат оғзаки нутқ, балки ёзма нутқ ва ёзувда ҳам соддаликка интилган. Худди шунинг учун ҳам таркиғий халқ учун бағоят номувофиқ араб имлосини ислоҳ қилиш, элни саводли қилиш ва туркий халқларнинг ўз ёзувини яратиш ҳақида қайғурди. Ниҳоят, “Хатти Бобурий” деб аталган ёзувини яратди. Бироқ ислом дини ниҳоятда қучайган бир даврда

Бу ўқинч Ватан ва тил ўқинчи эди. Зеро, у бир умр Ватани ва тилини соғиниб яшади. Шунинг учун ҳам Бобур ҳаётида ҳам, авлодлари ҳукмронлик қилган даврда ҳам бобурийлар хонадониди туркий ўзбек тили юқори турган. Бу тилда маслаҳат ва суҳбатлар қилинган, ҳатто шоирлар ўзбек тилида шеърлар ёзганлар, тез-тез мушоиралар уюштириб турганлар. Туркий тилдаги фазаларни ҳинд вилоятларида ҳамма ёд олиб ўқиган.

Бунинг асосий сабаби шундаки, ўз халқи ва тилини ҳоридан ортиқ севган улуғ шоир фарзанд ва набираларидан ҳам ўз халқи ва тилига содиқ қолишни талаб қилган, ҳаммиса содда ва самимий бўлишга чиққан. Она тилига бўлган иштиёқ улуғ шоирни энг сўнгги дамда ҳам тарқ этмаган. Бобур Мирзодаги бундай хусусият Пиримқул Қодировнинг “Юлдуз-ли тунлар” асарига ҳам жуда тўғри тасвирлаб берилган: “Бобур ўғлига васият қилаётганини сезиб турган Хонзода бегим ўзини ортиқ тутиб туролмади:

Хонзода бегим унинг подшолигини унутиб, “Бобуржон!” — деганда, беклар, савдарлар, бегоналар, ҳатто суюкли ўғли ва хотинидан нуқул “ҳазратим” деган мурожаатни эшитиб, кўп ишлатилмавериби сийқа бўлиб кетган бу сўздан зериккан Бобур бегубор болалигини эслаб, кўнгли бир оз таскин топди.

Ҳа, улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёни қилич билан эгаллагандан кўра инсон қалбига содда, самимий сўз билан кириб бориш минг чандон афзал эканлигини англаган ва қуйлаган, буюклик ва соддаликни ўзида мужассам этган соддадил ва соддатил шоир сифатида тарихда қолди.

Сиддик Мўмин, филология фанлари доктори

“Бобурнома” тилининг муҳим хусусиятларидан бири ифоданинг ихчамлиги, содда ва равонлиги, халқ тилига ўта яқинлиги билан бошқа асарлар ичиди ажралаб туради. Бунинг учун у сўзларни танлаб ишлатишга, оз сўз билан кўпроқ фикр ифодалашга, халқ мақол ва ибораларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилди. Шоир бу машҳур асари орқали ўзбек адабиётини йирик насрий асар билан бойитиш билан бир қаторда, насрий тилни ҳам ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Уни қадимий архаик шакллardan бир мунча халос этиб, соддалаштирди.

Жумладан, Бобурга ва Бобур даврида яшаган ижодкорлар — турур кесимлик кўшимчасидан фойдаланишдан бўлса, Бобур — дигра кўпроқ мурожаат қилади. Фейлнинг тўлиқсиз шакли “эрди”ни Бобур “эди” шаклида қўллади. Чунончи, “Бобурнома”да эрди 199, эди 234 марта қўлланилган. Худди шунга ўхшаш ҳолни “бирла” ва “била” кўмакчиси мисолида ҳам кузатиш мумкин: била 645 марта, бирла эса атиги 3 марта қўлланилган. “Айла” китобий сўз ўрнида халқ тилига яқин бўлган “қил” феълини ишлатган: “Умаршайх Мирзоким, буни пойтахт қилди. Шайх Маъидбек ўлгандан сўнг, ани менга бек атқа қилдилар...”

Асарда халқ тилида кенг ишлатиладиган жуфт ва такрорий сўзлар ҳам кўп қўлланган: “Аввал келганда черик элига улча-мулчадек нима тушиб эди”, “Бир неча навбат ул тарафдан оз-оглоқ уруш-муруш бўлур...” Шунингдек, “Бобурнома”да фикрлар кўпроқ содда гап шаклида берилди. Қўшма гаплар ҳам содда гапларга ўхшаш тузилишда бўлиб, таркибий қисмларга осонлик билан ажралади: “То анда йеткунча, менинг билан секиз киши қалиб эди...”

Бобур лирикаси ҳам ўзининг содда ва самимийлиги, ўйноқи оҳангларга бойлиги билан ажралаб туради. Ўзбек тили омоним (шаклдош) ва кўп маъноли сўзларга бойлиги мумтоз адабиётимизда туюқ жанри оммалашуви сабаб бўлди. Бобур ҳам бундай сўзлардан усталик билан фойдаланиб, туюқнинг ажойиб намуналарини яратди:

*Қадимий фироқ меҳнати ё қилади,
Кўнгулғаму андуҳ ўтига ёқилади,
Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилади.*

Унинг газаллари ҳам фалсафий мушоҳадаларга бой, ўйноқи ва оҳангдордир. Бутун умрини жангу жадалларда, ғаму андуҳда ўтказган Бобур бошқаларни қўлдан келганча шоду хуррамликда яшашга чақиради:

Бўлмамид умримда бирдан хотри хуррам била,

Заҳириддин Муҳаммад Бобур



Сен, эй гул

*Хазон япроғи янлиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим.
Кўриб раҳм айлағи, эй лоларух бу чехра зардим.
Сен, эй гул, қўймадинг сарқашлигингни сарвек харғиз,
Аёғинга тушиб барзи хазондек мунча ёлбордим.
Латофат гушанида гул каби сен сазби хуррам қол.
Мен арчи даҳр боғидин хазон япроғидек бордим.
Хазондек қон ёшим сариғ юзимдин эл танаффурида,
Баҳор ранге, бихамдуллоҳ, улусдин ўзини кутқардим.
Не толедур манғаким, ахтари бахтим топилмайдур,
Ҳалак авроқини хар нечаким дафтардин ахтардим.
Улушинг тану тарифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзимни чун ёмон - яхшидим ўтгардим.
Менинг кўнгулми, гулнинг гунчасидек тахбатаҳ қондур,
Агар юз минг баҳор ўласа, очилмоғи не имкондур.
Агар ул қоши ёсиз боғ гаштин орзу қилсам,
Кўзимга ўқдурур сарву кўнгулга гунча пайқондур.
Баҳору боғ сайрини не қилайким, дилситопимнинг,
Юзи гул, зулфи сунбул, қомати сарви хиромондир.
Висоли лаззатидин завқ топмоғиғ эрур душоор,
Фироқи шиддатинда йўқса жон бермаклик осондур.
Бошидин эрурлар армони бирла ўлдур, эй Бобур.
Менинг нашимни бори ул пари қуйидин айлондур.*

Қолдимму?


*Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдимму?!
Хаста кўнгул чекмаган дарду балоси қолдимму?!
Мени хор этти-ю қилди мурдаига парварши,
Даҳри дунпарварнинг ўзга мурдаоси қолдимму?!
Мени ўлтурди жафоу жавр бирла ул қуёш,
Энди турғузмак учун меҳру вафоси қолдимму?!
Ошиқ ўлғоч кўрдум ўлимни ўзимга, эй рафиқ,
Ўзга кўнгулнинг бу оламда хароси қолдимму?!
Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де бу оламнинг сафоси қолдимму?!*

Шопмадим

*Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнгулдин ўзга махрами асрор топмадим.
Жонимдек ўзга жонни дилафгор кўрмадим,
Кўнгул киби кўнгулни гирифтор топмадим.
У срук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳарғиз бу телбани яна хушёр топмадим.
Ночор фуқрати била хўй этмишам, нетай,
Чун васлига ўзимни сазавор топмадим.
Боре борае зшиғиға бу навбат, эй кўнгул,
Нечакки бориб зшиғиға, бор топмадим.
Бобур, ўзунгни ўргатакур ёрсизки, мен.
Истаб жахонни, мунча қилиб, ёр топмадим.*

Шопилмас

*Сендек манга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек санга бир зори вафодор топилмас.
Бу шаклу шамойил била худ парисен,
Ким жинси башар ичра бу миқдор топилмас.
Ағёр кўз олинду ул ёр айон йўқ,
Ҳам хори кўнгул ичраю ғамхор топилмас.
Эй гул, зор этмаки ҳуснинг чаманида,
Кўзни юмиб очқинча, бу гулзор топилмас.
Бобур сени чун ёр деди, ёрлиғ этгил,
Оламда кишига йўқ эса, ёр топилмас.*



ТАДБИРКОРНИНГ ТУГИЛИШИ

Эндигина ўн саккизи қаршилаётган Шарофат Холниёзованинг илк шеърлар тўплами ана шундай номланган. У О'zLiDePнинг ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш бўйича республика кўрик-танловида қатнашиб, совриндор бўлди. Шундай экан, юқоридаги қалб армуғониди қандай гул ҳақида фикр юритмоқда?

«Юракда ўсаётган гул»

■ Ўз мухбиримиз

Шарофат Холниёзова — Шофиркон туманидаги иқтисодиёт коллежи талабаси. Баҳолари: аъло! Кўринишдан жуда камсуқум. Хулқ-одоби, коллеж ҳаётидаги фаоллиги ва олға интилувчанлигига қиёс кам. Олдиндан айтиб қўяй: устидаги хушбичим ва ҳаммиса ярашиқли либосларини ўзи тикади. Айрим дугоналарини ҳам бу имкониятдан баҳраманд этади.

— Илм даргоҳимизда молия, банк иши, бухгалтерия хисоби, ЭҲМ, тижорат ва кутубхонашунослик бўйича 430 ўқувчи таълим олапти, — дейди коллеж директори, О'zLiDeP туман кенгаши раиси Акбар Элмуродов. — Уларнинг аксарияти ўзи танлаган соҳасини катта иштиёқ билан ўрганмоқда. Аммо Шарофат Холниёзова бу борада тенкурларидан анча илгарилаб кетаяпти. Ҳамма унга ҳавас билан қараяпти.

Раҳбар ҳақ гапни айтди. Шарофатдаги ишбилармонликка интилиш тўғри, авлодидан ўтган. Она томонидан катта буви си — Мухиба момо туманда энг номдор чопондўз эди. Онаси Гуландом Шарипова, касби ҳамширалик бўлса-да, бўш вақтларида савдо-сотик билан шугулланади. Хусусий дўкони ва туман буюм бозори расасида белгили жойи бор. Отаси ўтман Холниёзов — олиё маълумотли мусиқа ўқитувчиси. У тадбиркорликни моҳиятан нозик баҳолайди. Акаси Феруз — туман маийш хизмат касб-хунар коллежида уста-ўқитувчи. Онаси Гулбаҳор — хуққушунос.

Хуллас, у ана шундай ишбилармонлик илдизидан кўқариб-яшаб чиққан. Шу боис, 15 ёшидаёқ маҳалласидаги моҳир тикувчи — Гавҳар чеварга шоғирд тушган. Ундан нафақат тикувчилик сир-синаоти, балки каштачилик ва зардўзлики ҳам синчиклаб ўрганган. Дугонаси Тўйбегим билан бирга кўплаб зар тўнларни қойилмақом қилиб тиккан. Шунга қарамай, онаси меҳнати моҳиятига мана бундай баҳо беради:

*Ўзингни койидинг, елиб-югуриб,
Оппоқ юзларингни шабнамга қайдиг.
Сенга кўш доим турсин жимлайиб,
Аллоҳ нур ёдурсин, сенга онажон.
Кўзунг нам кўрмасин асло, меҳрибон!...*

Шарофат худди шундай мақсад-мурдао, ўй-фикр, эзгу мақсад ва интилишлар ҳисси билан иқтисодиёт коллежида таҳсил олмақда. Нияти— банк ишини мукаммал ўрганиш. Ҳозир соҳани пишиқ-пухта эгалляпти. Шу аснода миллий истиклол ғояси ва келажақ равнақи нималарга боглиқлиги моҳиятини чуқур англаётир.

У илк тадбиркорлик кўникмаларига эга бўлганлиги боис Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — О'zLiDePнинг “Ишбилармон ўқувчи” стипендиясини олиш мақсадида республика кўрик-танловида қатнаши ва совриндор бўлди. Унга III даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энди у ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдориди партия стипендиясини олмақда.

— Мен шу тарзда О'zLiDeP ардоғида ўқиб, улғайиб, тадбиркорлик “сир”ларини мукаммал эгаллаб, келгусида банк менежери ва хусусий корхона соҳиб бўламан, — дейди Шарофат Холниёзова. — Албатта, ўзим бойиб, эл-юрт бойишига ҳам ҳисса қўшаман! Бу — қалбим тубида барқ уриб гуллаётган улуғ орзуим, бутун борлигим, мақсад-мурдаоим.

Ҳа, энди унинг юрағида қандай гул ўсаётгани яққол аён бўлди.

Бўлғуси тадбиркорнинг маслакдоши, юқоридаги танлов ғолибаси — Бухоро педагогика коллежи талабаси Зайнура Мавлонованинг дилида ҳам айнан шундай ҳис-ҳаяжон, оппоқ орзулар мавж ураётган бўлса, ажаб эмас. Чунки, у ҳам О'zLiDeP стипендиати бўлди-да!

ЭҲТИРОМ

Тошкентдаги Бадий кўрғазмалар залида Ўзбекистон Бадий академияси, Камолитдин Бехзод номидаги мемориал боғ-музейи ва Бадий кўрғазмалар дирекцияси ташаббуси билан шарқ алломалари — улуғ мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 565, мўйқалам устаси Камолитдин Бехзод таваллудининг 551, шоир ва шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 523 йиллигига бағишлаб кўрғазма ташкил қилинди.

Кўрғазмада — боболаримиз сиймоси

Бобокалонларимизнинг “Бобур”, С.Абдуллаевнинг “Амир улкан адабий ва маънавий Темури дуоси”, “Лайли ва Мажнун”, “Навоий Самарқандда”, Т.Сайдуллаевнинг “Алишер Навоий” ҳамда хайкалтарошлардан И.Жабборовнинг “Навоий ва Низиомий”, Т.Тожиёвнинг “Камолитдин Бехзод” асарлари намойиш этилмоқда. Бундан ташқари, ёш миниатюрчи-рассомлар М.Ёқубовнинг “Пир ва муршидлар”, А.Каримовнинг “Қуш тили”, “Лайли”, Б.Солиевнинг “Араб нақшу нигоралари” ва бошқа асарларни ҳам кўриш мумкин.


18 февралга қадар ишлайдиган ушбу кўрғазма шарқ алломалари меросига қизиқувчи мухлисларда катта таассурот қолдирмоқда.

АҚШ

«Ёвузлик ўқини букиш»

асари АҚШ сиёсатчилари учун давлат тўнтариларини амалга оширишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда

Демократия қадриятлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва таъминлаш масалалари бугун дунёда ҳар қачонгидан ҳам ўткир ва долзарб бўлиб қолмоқда. Сабаби — фан-техника ривожланиши баробарида инсоният тафаккурида эркин фуқаролик жамияти қуриш, уни табиатнинг энг олий ҳилқати сифатида эъзозлаш каби либерал ғоялар тобора мустаҳкам шаклланиб бораёпти. Бундай эзгу мақсадлар, қадриятлар мажмуи қатор халқларнинг, давлатларнинг дастуриламалига айланган. Лекин шу билан бирга, шундай давлатлар ҳам борки, улар учун демократия, инсон ҳуқуқлари, эркинлик каби тушунчалар нафақат қадрият ҳисобланади, балки бошқалар устидан ҳукмронлик ўрнатиш қуролига айланиб бормоқда.



Шероод ЭРАЛИЕВ

Буни бугун баъзи собиқ иттифоқ республикаларидаги "демократик ўзгаришлар" сифатида баҳоланаётган рангли инқилоблар, Ироқ ва Афғонистоннинг оккупация қилиниши ва мазкур мамлакатларда демократия "ўрнатиш"га уриниш ёки бўлмас, ўз манфаатларидан келиб чиқиб сиёсат олиб бораётган давлатларга нисбатан таъйин ва зўравонлик ўтказиш ҳолатларида кўриш мумкин. Айнан шундай сиёсатни, айрим тахлилчиларнинг фикрича, Оқ уй раҳбари Жорж Буш ва унинг маъмурияти мисолида кузатса бўлади.

Аслида Америка жамиятида, аниқроқ айтадиган бўлсак, бу мамлакатнинг ҳукмрон доираларида бутун дунёда эркин, демократик давлатлар қарор топишида АҚШ нинг тарихий ва маънавий масъуллиги ҳақидаги чўпчаларга муккасидан кетганча ишонадиганлар кўплаб топилди. Мамлакат президентларидан бири Абрахам Линкольннинг "Биз, америкаликлар — бутун инсониятнинг сўнгги умидимиз" деган баёнотини бугун Вашингтоннинг расмий доиралари ўзлари қарор қилиб олганини сиёсатчилар бир овоздан тасдиқламоқдалар. Кўшма Штатлар дунёга демократия "тухфа этиш" шiori остида муҳим геосиёсий ва геостратегик ўрин тутувчи давлатлар устидан гегемонлик ўрнатишга интилоқда. Шу пайтгача бундай сиёсат, яъни ўзга давлатларнинг ички ишларига аралашш орқали сиёсий жараёнлар

америкалик дипломат ва бизнесмен Марк Палмер бўлади. Утган асрнинг 70-80-йилларида собиқ СССР ва Шарқий Европадаги социалистик давлатларда дипломатик фаолият олиб борган бу кимса диссидентлар (ҳукумат мавқеига зид фикр юритадиган кишилар) билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. У аслида фақат протестантларга тегишли, дея ҳисобланган либерал қадриятлар "яхшилаб" сингдирилса, ҳар қандай маданият, ҳар қандай жамият вакиллари томонидан ўзлаштирилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. 80-йиллар охирига келиб, АҚШнинг Венгриядаги элчиси Палмер Будапешт кўчаларида коммунистик тузумни қораловчи оммавий намойишлар уюштиришга бош-қош бўлиб, дастлабки жиддий гала-мисликка қўл ўрди.

Сир эмас: ҳар қандай жамиятда оммавий ахборот воситалари одамлар онгини, қалбини забт этувчи қурол ҳисобланади. Буни жуда яхши хис қилган Марк Палмер ўзига тегишли "Central European Media Enterprises" компанияси орқали 90-йилларда Чехия, Словакия, Словения, Руминия ва Украинадаги давлатдан "мустақил" илк хусусий телеканалларни молиялаштирди. "Беғараз" ҳомийлик ишлари учун у 600 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфлади. Шу билан бирга Палмер миллиардер-чайковчи Жорж Сорос, "National Endowment for Democracy" (NED) жамғармаси, USAID давлат ва "Freedom House" нодавлат ташкилотлари

Энг асосийси — АҚШ бундай инқилобларни жуда арзон ва деярли "огриксиз" йўл — маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар "қўл"и билан амалга ошириши мумкин. Ана, масаланинг моҳияти қаерда!

ри билан биргаликда Югославида Слободан Милошевичга қарши муҳолифатчи ёшлар ва талабалар гуруҳлари тузиш, газета, радио ва телестанцияларни очиб билан шуғулланди. 1996 йилда эса у Белград кўчаларида талабаларнинг аксилҳукумат намойишларини бошлаб берди.

Шундан сўнг Палмер жаноблари Кўшма Штатлар нисбатан кам харажатлар эвазига маҳаллий "этироз ресурслари"дан Вашингтон-

га номақбул ҳар қандай ҳукуматни "тинч, куч ишлатмаслик" йўли билан ҳокимиятдан четлатишда фойдаланиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Айниқса, Оқ уй маъмурияти ўзи ёқтирайдиган ҳукуматларни ағдартиш мақсадида маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини молия билан таъминлашга, улар онгини турли бузғунчи ғоялар билан тўлдиришга зўр берди.

Китоб АҚШ Конгресси аъзоларига, Давлат департаменти ва хорихдаги барча элчихоналарга, йирик наشريёт уйлари ва университетларга, ОАВда кенг ёритишга юборилди. Бундай "тавсиянома"га АҚШда камдан-кам асарлар мушарраф бўлади...

2003 йил кузида М.Палмер "Ёвузлик ўқини букиш: 2025 йилгача сўнгги диктаторларни ҳокимиятдан қандай қилиб четлатиш мумкин?" деб номланган китобини нашр эттирди. У ўз асарида АҚШга номақбул режимларни кам харажатлар эвазига ағдаришнинг 25 шартини батафсил ёритган. Жумладан, либерал ва ғарбпараст нодавлат нотижорат ташкилотлар ёки ОАВни тузиш, Ғарб ОАВ орқали маълум "нодемократик режим" аҳолиси кўз ўнгига ҳукуматни тизимли тарзда обрўсизландириш баробарида муҳолифатни кўкларга кўтариш, БМТ, Европа Иттифоқи, ЕХТТ ва бошқа нуфузли ташкилотлар томонидан "демократик инқилоб" амалга оширилиши режалаштирилган давлатда "инсон ҳуқуқлари бузилаётгани", "матбуот эркинлигига хуруж қилинаётгани" тўғрисида резолюциялар қабул қилинишига эришиш, муҳолифатчи гуруҳлар ва "фуқаролик жамияти" фа-

олларини тинч митинглар, намойишлар ўтказишга тайёрлаш, мамлакат ичида амалдаги ҳокимият тарафдорларининг ҳар қандай ҳаракатини фалаж қилиб қўядиган психологик вазиятни вужудга келтириш ва бошқа кўплаб усуллар Кўшма Штатларга дунёнинг қар қандай қисмида ўз манфаатларини ишонч билан амалга ошириш имконини беради, деб ҳисоблайди муаллиф.

Энг асосийси — АҚШ

бундай инқилобларни жуда арзон ва деярли "огриксиз" йўл — маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар "қўл"и билан амалга ошириши мумкин. Ана, масаланинг моҳияти қаерда!

Шубҳасиз, Палмер фикрлари Америка ҳукмрон доираларида олқишларга сазовор бўлди. Улар орасида АҚШ ташқи сиёсатини белгилашда катта роль уйнайдиган публицист Жозеф Моравчик, мудофаа вазирининг собиқ ўринбосари Пол Волфович, МРБ ва "Freedom House"нинг собиқ раҳбари Жеймс Вулси, сиёсатшунос Фрэнсис Фукуяма, Чеченистонда Тинчлик учун

Америка кўмитаси раҳбари Макс Капельман, Демократлар партиясининг Конгрессдаги етакчилари Нэнси Полоси ва Жозеф Байден, Буш сиёсатининг "муросасиз" қораловчиси миллиардер Жорж Сорос, "Human Rights Watch" ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотининг Вашингтондаги ваколатхонаси директор Том Малиновскининг борлиги Оқ уйнинг айсан мана шу усулда сиёсат олиб бораётганини исботлаб турибди.

Китоб АҚШ Конгресси аъзоларига, Давлат департаменти ва хорихдаги барча элчихоналарга, йирик наشريёт уйлари ва университетларга, ОАВда кенг ёритишга юборилди. Бундай "тавсиянома"га АҚШда камдан-кам асарлар мушарраф бўлади...

"Ёвузлик ўқини букиш..."нинг "тақриз"ини яна ўша АҚШ Марказий разведка бошқармаси ҳамда "Freedom House" нодавлат ташкилоти собиқ раҳбари Жеймс Вулсининг қуйдаги сўзлари билан яқунлаш мумкин: "Учта жаҳон уруши (иккита "қайноқ" ва битта "совуқ") мобайнида биз иттифоқчиларимиз билан бирга инсониятнинг катта қисмини озодликка чиқардик. Марк Палмер эса бизга бу ишимизни ниҳоясига етказишни кўрсатиб берди". "Тинч демократик инқилоблар" ўтказиш сиёсатини олиб бораётган Вашингтоннинг асл мақсадлари ҳақида бундан ортқ бирон сўз айтиш қийин бўлса керак!

БМТ

"Los Angeles Times" газетаси БМТнинг АҚШга тегишли Гуантанамо ҳарбий базаси бўйича махсус комиссияси ҳисоботи лойиҳасини босиб чиқарди. Унда айтилишича, ушбу лагерда қийноқлар қўлланилган ва халқаро ҳуқуқнинг қатор нормалари кўпол равишда бузилган.

лик бўйича халқаро ҳуқуқий нормаларнинг қатор бандларини бузаяпти, деб хулоса чиқардик, — дейди ўз интервьусида Новак.

Бундан икки йил аввал суратга олинган видеотасмада Ироқдаги британиялик ҳарбийларнинг тўрт нафар ўсмирни аёвсиз калтаклаётгани акс этган. Тахминан бир дақиқа давом этган кадрларда ҳарбий кийимдаги кишилар ерда ётган ўспиринларни судраб калтаклашяпти. Видеотасмага тушираётган одам эса бу манзарадан завқланиб, аскарларни олқишламоқда.

Оммавий намойишларда қатнашган ёшлардан тўрт нафарини тутиб олган ас-

Қамоқхонадаги қийноқлар

Күни-кеча "демократия элчилари"нинг асл ҳаракатларини фош этувчи яна бир тасма жаҳон телеканалларида намойиш қилинди

Бундан ташқари, ҳужжатда лагернинг ҳуқуқий мақоми билан бирга ундаги маҳкумларнинг ноқонуний жанговар ташкилотлар аъзолари сифатида таснифланиши катта шубҳа остига қўйилган.

Ҳисобот муаллифлари АҚШнинг маҳбусларни ноқонуний жанговар ташкилотлар аъзолари, деб ҳисоблаши учун етарли асослари йўқлигини ва 500 киши сақланаётган ушбу лагер ҳақида ёпилиши кераклигини таъкидлашган.

"Los Angeles Times" газетаси ҳисобот тафсилотларини чоп этиш билан бирга БМТнинг Қийноқлар бўйича махсус вакили Манфред Новак билан ҳам суҳбатлашишга муваффақ бўлган.

Ҳар бир хулосамизни узоқ текширишлар натижасида чиқарганмиз. Шаҳсан ўзим ҳамкасбларим билан бирга ушбу қамоқдагиларнинг оила аъзолари, адвокатлари билан давомли суҳбатлар ўтказдим. Биз АҚШ ҳукумати инсон ҳуқуқлари ва қийноқларга йўл қўймас-




карлар уларни мушт ва калтаклар билан дўппослашган. Ўспиринларга жами қирк икки марта зарба урилган.

Видеокادرларни араб телеканаллари тақрор-тақрор намойиш этишди. Шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари ва демократиядан сафсата сотаётган давлатларнинг бундай "хурмача қилиқ"лари халқроқ жамоатчилиқнинг кескин норозиликка сабаб бўлмоқда.

ФРАНЦИЯ-РОССИЯ

Париж Москвага хайрихоҳ ёки Доминик де Вильпеннинг навбатдаги эътирофи



Франция Бош вазир Доминик де Вильпен Москвадаги музокаралар чоғида "катта саккизлик" саммитини ўтказишда расмий Парижнинг Россияга ёрдам беришга тайёрлигини эътироф этди.

"Муҳими — саккизлик клубининг Петербург саммити муваффақиятли ўтса бўлди", — дейди бош вазир. Унинг фикрича, Париж билан Москва террорчиликка ва оммавий қиргин

қуролларининг тарқалишига қарши курашда биргаликда иш олиб бориши керак.

Париж Европа Иттифоқининг Москва билан мулоқотида муҳим роль уйнаши керак. Россия Европа учун доимо муҳим мавзу ва у китба давлатларини берафқ қолдирмайди.

Дарҳақиқат, Россия ташқи сиёсатида Франция йўналиши муҳим ўрин тутди. Айниқса, бу икки мамлакатнинг авиакосмос ва энергетика соҳаларидаги алоқаларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Россия бош вазир Фрадковнинг айтишича,

икки томонлама ўзаро товар айирбошлаш ҳақи бу йил 10 миллиард доллардан ошиб кетиши kutilаяпти. Коллаверса, Франция — Кремлнинг асосий сиёсий ҳамкорларидан бири. Россиянинг Фаластин муҳториятидаги сайловларда талаба қозонган ХАМАС ташкилоти билан мулоқот олиб бориш борасидаги интилоқларини биринчилардан бўлиб Париж қўллаб-қувватлади. Маълумки, Россия президенти Владимир Путин Испанияга ташрифи чоғида ХАМАС етакчиларини музокаралар ўтказиш учун Москвага таклиф этишини таъкидлаган эди.

СУРИЯ

Сурия доллардан воз кечди


Суриянинг бош банки доллардан буткул воз кечгани туфайли эндиликда миллий нефть савдоси фақат еврода олиб борилиши эълон қилинди. АҚШ билан давом этаётган сиёсий қарамақаршилиқ бунга сабаб бўлди, — деб хабар беради Сурия давлат тижорат банки раҳбари Дураид Дурғхам.

Шунинг учун банк халқаро валюта бозорида ва хусусий мижозлар билан доллар операцияларини тўхтади. Маълумки, сўнгги бир неча йилдан бери мамлакатда хусусий банлар фаолиятига руҳсат этилган бўлса-да, ammo Сурия тижорат банки маҳаллий бозордаги энг йириги бўлиб қолмоқда. Мана, бир йилдири, АҚШ бошчилигидаги айрим Ғарб давлатлари расмий Дамашқни Ливан собиқ бош вазир Рафик Ҳарийнинг ўлдирилишига алоқадорликда айблаб, айрим иқтисодий сан-

қцияларни қўллаб келмоқда. Давлатнинг хорихдаги пуллари "музлатиб" қўйилиши эҳтимоли борлиги сабабли ҳукумат бу активларни ҳимоя ҳораси сифатида еврога айлантирмоқчи. Одатда барча хорижий валюталарнинг маълум қисми Commercial Bank of Syria орқали ўтади, бироқ 2004 йили АҚШ ва Сурия муносабатлари кескинлашгани боис, банкнинг Кўшма Штатлардаги активлари ҳибсага олинган, деб хабар беради "Ал Жазира" телеканали. Шундай қилиб, Сурия халқроқ босим туфайли юзага келган иқтисодий бекарорликнинг чуқурлашиб кетишига йўл қўймаслик учун қўрилаётган зарарларни имкони борича камайитириш йўллари қидирмоқда. Коллаверса, "Баас" партиясининг ҳукмронлигидаги ҳукумат бир неча ўн йилга қўзилган марказлаштирилган режалаштириш сиёсатидан воз кечиб, бозор иқтисодиётини ривожлантириш йўлидан бораёпти. Ҳозирги шароитда муҳим муаммо ана шу жараёнларнинг тўхтаб қолмаслигига, уни санкциялар ва турли аралашувлардан омон сақлаб қолишга эришишидир. Шу муносабат билан президент Башар Асад бош вазир Муҳаммад Нажи Атри ҳукуматида кадрлар ўзгаришини амалга оширди.

МАНЗАРА

БИР ЎЛКА-КИ



Ўлкамиз табиати нақадар мафтункор. Тўрт фаслда ҳам ўз жозибасию латофатиغا эга. Кумуш қишнинг охириги ойида ҳам бутун борлиқ ажиб манзара касб этган.

Ушбу сурат Қамчиқ довилида олинган. Кенг ва равон йўлнинг икки томонида пурвиқор, оппоқ қор билан қопланган тоғлар. Ўсиб турган ям-яшил арчалар бу манзарани яна ҳам гўзаллаштириб юборган. Олис-олисларга ўзгача ҳаяжон, аллақандай энтиқиш билан боқсан-у кўзинг қувнайди.

Мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олсан-у, вужудинг яйрайди. Шоир айтганидек:

Шундай ўлка доим бор бўлсин,
Шундай ўлка бахтга ёр бўлсин.

ТУРИН-2006

«Олтин»нинг ўз ўрни бор

Туринда давом этаётган қишки Олимпиада мусобақалари қизғин паллага кирди

Йўнларни кузатиб борар эканмиз, уларда аввал тахмин қилинганидек, АКШ, Германия, Норвегия ҳамда Россия спортчилари юқори натижаларни қайд этишадиганини кўришимиз мумкин.

Шухрат ХЎЖАЕВ

Жумладан, сўнги олинган маълумотларга кўра, мусобақаларнинг олтинчи кунигача жами 7 та (5 та олтин ва 2 та кумуш) медаль олишга мушарраф бўлган америкалик олимпиячилар умумжамоа ҳисобида пеш-

адамлик қилишмоқда. Кейинги ўринларда эса ҳозирча тегишли равишда россиялик (жами 9 та — 4 та олтин, 3 кумуш ва 2 та бронза), германиялик (жами 7 та — 4 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза), швециялик (2

та олтин) ҳамда норвегиялик (жами 11 та — 1 та олтин, 5 та кумуш ва 5 бронза) олимпиячилар боришмоқда. Шу ўринда жамоаларни ўринларга жойлаштиришда, авваламбор олтин медаллар сонига эътибор берилишини айтиб ўтиш жоиз. Айнан шунинг учун ҳам қисқа муддат ичида «атиғи» иккита олтин медаль олган шведлар, медаллар шодасига эга бўлган норвегияликлардан ўти кетишга муваффақ бўлишди.

Мусобақалардаги ўзбе-

кстонлик спортчиларга тўхталадиган бўлсак, ўйинларнинг дастлабки кунларида фигурачиларимиз жуфтligи — Марина Аганина ва Артём Князев намойиш этилган икки дастур бўйича ўртacha натижага эришдилар. Юртимиз шарофтини ҳамон қилиш учун Италияга ҳўнаб кетган тоғ чангиси спортчи вакили Қайрат Ерметов ва яна бир фигурачсимиз Анастасия Гимазетдинова эса ўйинларда 20 февралдан иштирок эта бошлайдилар.

ОЛИМПИАДА

ТУРНИР

ФУТБОЛ

«Пахтакор» клубининг ёшлар жамоаси «Коппа Карневале» турниридаги ўзининг биринчи матчида 1:0 ҳисобида тарихий ғалабага эришди. Италия А сериясининг бу йилги мавсумда муваффақиятли ўйин кўрсатаётган «Ливорно» жамоаси ёшлар таркиби билан бўлиб ўтган бу учрашувда тошкентликлар чинакам жасорат кўрсатдилар.

Яшил майдондаги жасорат




6-дақиқада марказий химоячимиз Ансур Исмоилов ҳисобни очди. Шундан кейин Фиренце ди Бьетолени бошчилигидаги италиялик ҳакамлар бригадаси ўзбошимчиликларни авжига чиқарди. У ҳеч асоссиз равишда уч маротаба (25, 60 ва 90-минутларда) «пахтакор»чиларни майдондан чиқариб юборди ва Элдор Тожибоев қўриқлаётган дарвозага учта пенальти белгилади. Учгал ҳам дарвозабонимиз қаттиқ зарбани қайтаришга муваффақ бўлди. Бунинг устига ҳакам ўйин охирида яна 12 дақиқа кўшиб берди. Аммо «Пахтакор» ёшлари ҳақиқий жасорат кўрсатиб, ғалабани сақлаб қолишга эришдилар.

Вакилларимиз қатнашаётган 6-гуруҳдаги Италиянинг «Модена» ва Болгариянинг «Нафтекс Поморье» жамоалари дурагн (1:1) уйнадилар.

РЕКЛАМА

«ПАХТА БАНК»
ФАРОВОНЛИГИНИҒИЗ КАЛЕНТЕРДИҒИ!

ЯНГИЛИК



«XXI asr» кутубхонаси
ТОҲИР МАЛИК
ҚОРА ФАРИШТА
КИТОБХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Тоҳир МАЛИКнинг янги асари —
«ҚОРА ФАРИШТА»
босмадан чиқди.
Китоб савдоси билан
шуғулланувчилар учун телефонлар:
132-14-47, 107-74-89, 130-82-72, 330-31-81

БОКС

Фарҳодда Япония тан бермоқда

Профессионал боксчимиз Фарҳод Бакиров мағлубиятсиз жанглар туркумини 24 тага етказди

Газетамизнинг ўтган сониди Японияда фаолият олиб бораётган жумладан, жанглариham мазкур давлатда ўтказиётган юртдошимиз Фарҳод Бакиров жиддий рақиб — Кунчиқар юрт вакили Тадаси Юба билан учрашиши ҳақида хабар берган эдик.

Fightnews.com сайти берган маълумотларга кўра, тенг кураш остида кечган жангда Ф.Бакиров учта вазн тоифаси бўйича Япония чемпиони унвонига сазовор бўлган чарм қўлқоп устасини очколар бўйича мағлуб этди. Эътиборли томони шундаки, кескин ва муросасиз кечган баҳс тўққизинчи раундда, боксчиларнинг ноқулай тўқнашуви

оқибатида ҳар икки рақибнинг бош қисмида қонли жароҳатлар вужудга келгани сабабли тўхтатилди. Гарчи, вақилимиз олтинчи раундда оғир ноқудан ҳолатига тушган бўлса-да, жанг охириларида кетма-кет ҳужумлар уюштиргани боис, у ҳақамлар томонидан очколар бўйича (87-64, 87-84 ва 87-86) ғалаба қозонган, деб топилди.



БИЗНЕС-БАШОРАТ

КЎЙ. Ҳафта давомида рақибларингиз сизни бир неча маротаба алдаб, «чалиб йиқитишга» ҳаракат қилишди. Аммо сиз анойилардан эмаслигингизни кўрсатиб кўйинг. Катта пул ваъда қилишса-да, ўзингизга керакли бўлган мол-мулкни зинҳор сота кўрманг. Дам олиш кунлари зарурат бўлмаса, кўчага чиқмаганигиз маъқул.

БЎЗОҚ. Душанба ёки сешанба кунлари пайдо бўлган муаммоларингизни ҳафтанинг охирида ҳал қиласиз. Дўкандан янги нарсасини, масалан, компьютер ёхуд аудио-видео техника сотиб олмақчи бўлсангиз, пулни аманг. Қимматроқ бўлса-да, товарнинг сўнги русумини харид қилинг.

ЭГИЗАКЛАР. Дала ҳовлиси бор эркак «эгизаклар» баҳорги экин-текин ишларини, аёллар эса тўй таралдудини бошлайдисанлар бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, дам олиш кунлари яқинлари ёки дўстларини хашарга чақирсалар, фақат ютадилар. Асосийси — меҳмонларни бирон-бир тансиқ таом билан сийлашни ёддан чиқармасликларингиз лозим.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ҳафта оёсиюшта ўтади. Фарзандларингиз эришган ютуқлардан мамнун бўласиз, уйда кичкинагина тадбир ўтказасиз. Аввал ўйлаб кўйган лойиҳаларингиз жума куни амалга ошмай қолса, дам олиш кунларига кўз тикманг. Шошилманг. Ишларингизни кейинги ҳафта ҳам якунлашингиз мумкин.

АРСЛОН. Ҳафта ўртасида йил охиригача катта фойда келтирадиган шартнома имзолашингиз кутилмоқда. Шунинг учун агар иложини топсангиз, идорангизга таширф бюрадиган бўлажак ҳамкорларингизни олиий даражадаги шахслар сингари қабул қилинг. Дам олиш кунлари харид учун бозорга тушганингизда ёлғончи ва кисасавурлардан эҳтиёт бўлинг.

ПАРИЗОД. Соғлигингизга безэтибор қараманг. Зеро, бу ишни яна кейинги ҳафтага қолдирсангиз, охири пушаймон бўласиз. Иш юзасидан якуний хулоса чиқаришни шанба кунига қолдирганингиз маъқул. Ҳафта давомида яқинларингизни таваллуд кунлари ёхуд бошқа саналар билан қутлаш ёдингиздан чиқмасин.

ТАРОЗИ. Электр ва газ мосламаларидан фойдаланаётганингизда эҳтиёт бўлинг. Бу борада қандайдир носозликни сезсангиз, албатта, мутахассисни чақиринг. Ишхонада қилиниши лозим бўлган вазифалар қўлайлиқ кўтгани боис айнан шу кезларга мўлжаллаб кўйган таътилингизни баҳорга кўчиришга мажбур бўласиз.

ЧАЁН. Ҳафта давомида тиним билмай қилган меҳнатларингиз самарасини айнан шу кунларда кўрмасангиз, ҳафта бўлманг. Бир кун келиб, фойдангизни ўн-ўн беш баробар қилиб оласиз. Вақтида оватқатланг ва таомномангиз рўйҳатиға, албатта, витаминли салатларни киритинг.

ЎҚОТАР. Йилнинг энг сердаромад, ҳар томонлама қулай, шунингдек, бахтли онларга бой ҳафталаридан бирини бошдан кечирасиз. Бошқача қилиб айтганда, келаси етти кун давомида нима ишга қўл урсангиз, режими ортлиги билан баҳарасиз. Шундай экан, забт этиш учун бемалол баландроқ чўққини кўзлайверинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Юлдузлар «тоғ эчкиси» учун янги ҳафта «мавланиб» келишини, яъни муваффақиятлар шкчаси дам пастига тушиб, дам юқорига кўтарилишини башорат қилмоқда. Шу боис ишларингиз пастига шўнғиганда хавотирланманг. Эртаси кун ҳақмаси жой-жойига тушиб кетади.

ҚОВГА. Осон ишнинг ўзи йўқ. Мўлжаллаган режангизни биринчи уринишда бажара олмасангиз, яна ҳаракат қилиб кўринг, унда ҳам бўлмаса, бошқа усуллари қўлланинг. Мухими — таслим бўлманг. Дам олиш кунлари зиёрат ва таширфлардан бўшамасиз.

БАЛИҚ. Турар жойингизни ўзгартариш ёхуд уйни бошқатдан жиҳозлаш учун қулай пайт. Яқинларингиз, аникроғи — ака-укаларингиз билан ўртангиздаги муносабатлар тубдан яхшиланади. Мерос, сугурта ва нафақага оид муаммоларингизни ҳал қилишга эришасиз. Ҳафта охирида уюштирилган сафарингиз хайрли якунланади.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI | **MULKDORGA HAMKOR**
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari» агентлиги — яқин бизнес ҳамкорингиз!

Ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг худудий филиаллари ҳамда «Kim oshdi savdolari» агентлиги Сизнинг турли кўчмас мулклар, МЧЖ лардаги давлат улушлари, уй-жой куриши, савдо ва маншай хизмат объектлари куриш учун ер майдонларини сотиб олишда яқин кўмақчингиздир.

Мазлиминиз: Тошкент шаҳри, С.Рахимов тумани, М.Мазоиев кўчаси 1-А, уй
Телефонлар: 136-16-28, 399-80-26, 399-80-26, 136-26-26
www.kmb.uz

Моя мечта

TOHKENT YOG-MOYKOMBINAT OAJQK

Маҳсулот сертификатланган

РЕКЛАМАЛАР

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммад Юсуф ТЕШАБОВ
КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адхам ШАДМАНОВ
Ақром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилхон ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдувахоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Муҳлис АГРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Раҳмон ҚўЧҚОР
Суннатилла УМАРОВ
Сирожиiddин САЙИИД
Шухрат НОРГИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Киёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улугбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмумин МАМАТРАЙИМОВ
Шахзод НАЗАРОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ДЖУРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА
БЎЛИМЛАР
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЕТ ВА ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА
ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИМОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА
САНЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР
ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
А. СОЙБНАЗАРОВ,
Ш. ЭРАЛИЕВ.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41.
Буёртма рақами: Г-467.
Тиражи: 14037

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73-уй.
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborot@xiasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz
«XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нукта назаридан фарқ қилиши мумкин.
НАШР КЎРСАТКИЧИ:
406
БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

ASR
EKSPRESS-MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.
Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел: (998-71) 51-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com